



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

20~~21~~ йил “5” маҳрий

№ 120

Тошкент ш.

**Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга  
қарши курашиш ҳамда унинг олдини  
олиш бўйича 2020-2021 йилларга  
мўлжалланган “Йўл харитаси”да  
белгиланган вазифаларнинг ижросини  
таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 4 сентябрдаги 02-2488-сонли топшириғига мувофиқ тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш, тизимда коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш ҳамда коррупциявий хукуқбузарликларга йўл қўймаслик ва бу борада самарали тизимни шакллантириш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати 1-иловага, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппарати, ҳузуридаги ташкилотлар, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари билан хукуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида тартиб 2-иловага, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг коррупцион ва бошқа турдаги хукуқбузарликлар бўйича хабар бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

Мазкур буйруқ ва у билан тасдиқланган ҳужжатлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари, вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар ҳамда қасбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари учун мажбурий ҳисобланади;

Республика худудида жойлашган хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, бошқа вазирлик ва идоралар тасарруфидаги олий таълим муассасалари ҳамда нодавлат олий таълим муассасаларига тавсиявий ҳарактерга эга;

Вазирликнинг барча бошқарма ва бўлимлари, хузуридаги ташкилотлар, вазирлик тизимидағи олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари, шунингдек, касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаларига ишга қабул қилинаётган ҳар қандай шахс ушбу хужжатлар билан танишишга ва уларда белгиланган қоидаларга риоя қилишга мажбур.

3. Вазирлик тизимидағи олий таълим муассасалари ректор (директор)лари, хузуридаги ташкилотлар ҳамда касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари бошлиқлари 2021 йил апрель ойи охирига қадар “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати”, “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги марказий аппарати, хузуридаги ташкилотлар, олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида тартиби” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар бўйича хабар бериш тартиби тўғрисида низом”нинг мазмун-моҳияти ҳақида раҳбар-ходимлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшларга тушунтириш ишларини ташкил этсин.

4. Ташкилий-кадрлар бошқармаси (Б.Қодиров) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати талабларини бузган ҳамда ижроси бўйича сусткашликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланилиши юзасидан таклифлар киритиб борсин.

5. Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор технологияларни татбиқ этиш маркази (З.Хакимов) вазирликда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш бўйича тасдиқланган “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни бажарилиши юзасидан раҳбариятга ахборот киритиб борсин.


6. Вазирлик ахборот хизмати тизимдаги коррупцион ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган “anticoredu” расмий телеграм боти ташкил этилганлиги тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказилишини таъминласин.

7. Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А. Тошкулов



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг  
2021 йил “6” май даги  
сонли бўйргига  
1-илова

## Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича СИЁСАТИ

### I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати (*бундан буён матнда Сиёсат деб юритилади*) вазирлик марказий аппарати, вазирлик хузуридаги марказлар, касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари, олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари раҳбар-ходимлари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ўртасида коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

1.2. Сиёсат коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсиялари ва етакчи халқаро амалиёт асосида ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари – фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандарти талабларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Ушбу Сиёсат талаблари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таркибий тузилмалари, вазирлик тизимидағи олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари учун мажбурий, бошқа вазирлик ва идоралар тизимиға кирадиган олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларига тавсиявий характерга эга.

1.4. Вазирлик марказий аппарати ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари қўйидагилар ҳисобланади:

вазирликнинг барча бошқарма ва бўлимлари, вазирлик хузуридаги ташкилотлар, касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари, олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари (*бундан буён матнда вазирлик таркибий тузилмалари деб юритилади*) фаолиятининг барча соҳаларида коррупцияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари раҳбар-ходимлари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини ошириш, коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш;

коррупциявий хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-

шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда жавобгарликни таъминлаш;

вазирлик ва унинг таркибий тузилмаларида коррупцияни тубдан йўқотишга эришиш;

1.5. Сиёсат вазирликнинг локал ҳужжати сифатида юқорида кўрсатилган асосий мақсадларга эришиш учун вазирлик ва таркибий тузилмаларида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаб берувчи асос ҳисобланади.

1.6. Мазкур Сиёсатнинг талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъий назар вазирлик ва таркибий тузилмалар билан меҳнат муносабатларида бўлган барча ходимларга нисбатан татбиқ этилади.

1.7. Вазирлик ва таркибий тузилмаларга ишга қабул қилинаётган ҳар қандай шахс ушбу Сиёсат билан имзо қўйган ҳолда танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.

1.8. Ушбу Сиёсатда қўйидаги асосий тушунчалар ва атамалар қўлланилади:

**коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**манфаатлар тўқнашуви** – вазирлик ва унинг таркибий тузилмалари ходимларининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазият;

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали порани яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулкни, мулкий тусдаги хизматларни, бошқа мулкий ҳуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, шунингдек, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, ходим томонидан пора олиш ёки ҳуқуқقا хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш;

**ходим** – вазирлик ва таркибий тузилмалари билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

**яқин қариндошлар** – ота-она, туғишган ва ўгай ака-укалар ва опасингиллар, эр (хотин), фарзандлар, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболар, бувилар, неваралар, шунингдек эрнинг (хотиннинг) ота-онаси.

## **II. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари**

2.1. Вазирлик ва таркибий тузилмалари коррупцияга қарши курашиш тизимини қуидаги принципларга асосланиб амалга оширади:

**қонунчиллик** – вазирлик ва таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, давлат бошқаруви органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича жаҳонда тан олинган амалиётни хисобга олган ҳолда ҳамда вазирлик тизимининг белгиланган локал ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

**коррупцияга тоқатсизлик** – вазирлик ва унинг таркибий тузилмалари ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади. Шунингдек, ходимларга коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш тақиқланади;

**очиқлик ва шаффофлик** – вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида ходимларни ҳамда кенг жамоатчиликни хабардор қилади;

**коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги** – коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган вазирлик таркибий тузилмалари ходимлари ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар вазирликнинг локал ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади;

**раҳбариятга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш** – вазирлик таркибий тузилмаларининг ҳар бир ходими коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда белгиланган чораларни кўриш учун тўсқинликсиз Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирига ва вазир ўринbosарларига мурожаат қилиши мумкин;

**коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равища такомиллаштириш** – коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш борасида вазирлик таркибий тузилмалари тизимда коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини тўхтовсиз равища ошириш чораларини кўради.

## **III. Коррупцияга қарши курашиш тизимнинг элементлари**

3.1. “Коррупцияга тоқатсизлик принципига таянган ҳолда вазирлик таркибий тузилмалари ходимларига коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларда иштирок этиши, яъни пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора, яъни пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулк, мулкий тусдаги хизматларни беришни талаб қилиш, товламачилик қилиш, ваъда бериш ва пора бериш, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, шахс томонидан пора олиш ёки ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиши қатъиян тақиқланади.

**3.2. Қуидагилар вазирликнинг таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосий элементлари ҳисобланади:**

а) коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички хужжатларни Сиёsat ва Одоб-ахлоқ қоидалари ташкил этади.

б) Юқори даражада раҳбарлик намунаси:

вазирлик таркибий тузилмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахслар билан муносабатларда ҳалол, адолатли ва мустакил хулқ-атвор намунаси бўлишлари керак.

в) вазирлик таркибий тузилмалари раҳбарлари коррупцияга қарши курашиш самарали тизимни яратиш ва амалга оширишда қуидагилар орқали етакчиликни намойиш этади:

вазирлик таркибий тузилмалари фаолиятининг хавф-хатарга эга функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши курашиш самарали чора-тадбирлар ва тартибларини жорий этади, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш дастури йўл харитасини ишлаб чиқади ва унинг ижросини назорат қилиш орқали кўмаклашади;

ўз мансаб мажбуриятларини бажариш доирасида қолган ходимларида коррупциянинг барча шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантирган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик нормалари ва қабул қилинган ички хужжатларга риоя қиласи ҳамда ахлоқий хулқ-атвор юзасидан шахсан намуна сифатида намоён бўлади.

г) коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш:

вазирлик таркибий тузилмалари функцияларининг хусусияти, ташкилий тузилмаси, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро фаолият олиб боришига ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларга боғлиқ ҳолда ўз фаолиятига хос бўлган коррупциявий хавф-хатарларни аниқлайди ва баҳолайди;

коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш доирасида вазирликнинг таркибий тузилмалари фаолиятининг барча соҳалари коррупциявий хавф-хатарига кўпроқ учрайдиган функцияларни аниқлаш мақсадида таҳлил қилинади, уларда мавжуд бўлган коррупцияга қарши курашишни назорат қилишнинг барча шакллари ва тартиб-таомиллари аниқланган хавф-хатарларни камайтириш учун етарлилиги жиҳатидан таҳлил қилинади. Хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнида Вазирлик Ишчи гурухи, коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи бўлим ҳамда шахслар иштирок этади;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш йилига камида бир марта амалга оширилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари вазир ва вазир ўринбосарлари, таркибий тузилмалар раҳбарлари томонидан кўриб чиқилади, шунингдек, аниқланган хавф-хатарларни камайтирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш дастурларида акс эттирилади.

д) мониторинг, назорат ва ҳисбот:

Вазирлик Ишчи гурухи тизимда коррупцияга қарши курашиш, амалга оширилган чора-тадбирларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва самарадорлигини баҳолайди ҳамда доимий мониторингини олиб боради.

Ўтказилган мониторинг натижалари бўйича вазирлик таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли чораларни кўради.

Вазирлик таркибий тузилмаларида мониторинг ва назорат қилишнинг қуйидаги тартиб-таомиллари амалга оширилади:

тасдиқланган режага мувофиқ, самарасиз назорат ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни тўғрилаш ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида вазирлик тизимидағи функциялар ва ички жараёнларни мониторинг қиласди;

ички ва (ёки) ташқи текширувларни ўтказиш жараёнида ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларга риоя қилинишини назорат қиласди;

коррупцияга қарши курашиш бўлими бошқа таркибий тузилмаларга юклатилган коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тегишли тартибда амалга оширилиши устидан назорат олиб боради ва ҳ.к.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини назорат қилиш ва мониторинги бўйича чора-тадбирлар натижалари вазирлик таркибий тузилмалари раҳбарларининг ҳисоботларида ўз аксини топади.

е) хукуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айборд шахсларни жавобгарликка тортиш:

мазкур Сиёсатга амал қилиш ва вазирлик таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга риоя қилиш ҳар бир ходим учун ўз хизмат мажбуриятларини бажарилиши доирасида мажбурийдир. Ходимлар белгиланган талаб ва тартиб-таомилларнинг бузганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади. Бундан ташқари, бевосита раҳбарлар ўз бўйсунувидаги ходимлар томонидан коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этилганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

коррупцияга қарши курашишга оид белгиланган талаблар ва тамойилларни бузган ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади;

ходимлар уларни коррупция билан боғлиқ хукуқбузарликни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай мурожаатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупцияга оид хукуқбузарликлар ҳақида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида ўз раҳбарларига ва коррупцияга қарши курашиш ваколатига эга бўлган вазирликнинг масъул бўлимiga хабар беришлари шарт;

коррупцияга тоқатсизлик принципини ҳисобга олган ҳолда, вазирлик таркибий тузилмаларида ходимларнинг коррупцияга оид хукуқбузарлик содир этишлари билан боғлиқ ҳар қандай асосли шубҳа бўйича хизмат текширувлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ва ички ҳужжатларда белгиланган тартибда ўтказилади. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини ва (ёки) мазкур сиёсат ва бошқа ички ҳужжатларида белгиланган коррупцияга қарши талаб

ва тартиб-таомилларни ходимлар, уларнинг лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда вазирликнинг локал ҳужжатларида назарда тутилган доирада ва асосларда жавобгарликка тортилади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда вазирликнинг масъул бўлими уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қиласидилар ва доимий асосда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиради;

вазирлик коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва текшириш учун бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат органлари билан ҳамкорлик қиласиди;

амалга ошириладиган тадбирлар, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича назорат чоралари ва тартиб-таомиллар коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур/режа/йўл харитасида акс эттирилади ҳамда тегишли ички ҳужжатларда белгиланади;

ё) ахборотлаштириш, коммуникация ва маслаҳат бериш:

коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва вазирлик таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талаблари ҳақида жамиятнинг хабардорлигини ошириш мақсадида, мазкур Сиёsat ва коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги асосий маълумотлар уларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади;

вазирлик таркибий тузилмаларида ишлайдиган ходимларини йилига камида бир марта коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича доимий ва тизимли ўқитилади, шу жумладан, ишга янги қабул қилинаётган ходимларни ушбу Сиёsat ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа ички ҳужжатлар билан мажбурий тартибда таништирилади;

вазирлик таркибий тузилмаларида ишлайдиган ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга муросасиз муносабатини шакллантириш бўйича ва коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган тематик аудио ва видеороликлар ҳамда бошқа ахборот маълумотларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашиш тадбирлар ўтказади;

вазирлик таркибий тузилмалари ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги гумонлар ёки фактлар, коррупциявий хавф-хатарлар ва бошқалар (мазкур Сиёsatнинг 6-бобида назарда тутилган) ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган алоқа каналлари билан таъминланади;

вазирлик таркибий тузилмалари ходимларининг меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши курашиш қоидаларини киритади;

тасдиқланган режага мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул шахс томонидан коррупцияга қарши курашиш хулқ-атвор юзасидан ташвиқотлар ўтказади.

#### **IV. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар**

4.1. Вазирлик таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйиш мақсадида масъул бўлим ташкил этилган бўлиб, бўлим таркиби штат жадвалига асосан 3 нафар ходим (бўлим бошлиғи, 1 нафар бош мутахассис ва 1 нафар етакчи мутахассис)дан иборат<sup>1</sup>.

Бўлим:

тизимда коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларни амалга оширишда етарли даражада мустақилликка ва муҳим ресурсларга эга бўлиб, бевосита Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирига бўйсунади ва ўз фаолиятини ўз Низомига мувофиқ амалга оширади;

вазирлик таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши курашишга оид қонунлар, миллий Кенгаш қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, вазирлик Ҳайъати қарорлари ва буйруқларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради;

вазирлик таркибий тузилмаларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ички стратегия – йўл хариталари, чора-тадбирлар ва иш режаларини ишлаб чиқади, уларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлайди, белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ахволини ўрганади, натижалари бўйича маълумотлар тайёрлайди ва раҳбариятга тақдим этади;

вазирлик таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштиради ва “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга оширади;

ўзининг ваколати доирасида тизимда коррупцияга қарши курашиш борасида фаолият юритиб, маҳаллийчилик ва қариндош-уругчиликка, мансаб ваколатларини суистеъмол қилишлик, ўзганинг мулкини йўқотилишига олиб келадиган ҳолатларга йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқади;

олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш ишларини ташкил этиш, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар, сўровлар ташкил этади;

вазирлик таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича соҳага оид илғор хорижий тажрибаларни ўрганади ва таҳлил қиласди;

вазирлик таркибий тузилмаларида коррупцияга мойил бўлган соҳаларни аниқлаш асосида факультет ва кафедралар, бўлимлар кесимида коррупцияга оид хариталарни тузади, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг шарт-шароитлари ва сабабларини ўрганади, шунингдек, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

---

<sup>1</sup> Изоҳ; Вазирликнинг 2020 йил 26 октябрдаги 558-сон буйруғига асосан вазирлик марказий аппаратида ва таркибий тузилмаларида қарши курашиш “Комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш ва мувофиқлаштиришга Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказининг Назорат-ҳуқуқий бўлими масъул этиб белгиланган. Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс-назорат” хизматини мувофиқлаштириш вазифаси бошқа бўлимга юклатилса мазкур сиёсатнинг IV бобида белгиланган вазифалар янги бўлим томонидан амалга оширилади.

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари томонидан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилиқда белгиланган чекловлар, тақиқлар ва лавозим мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш бўйича раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, уларнинг лавозим мажбуриятига педагог ва талабалар ўртасида коррупция билан боғлик ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни содир этилишига сабаб ва шароитларни аниқлайди ва бартараф этиш мажбуриятларини киритади;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларининг ўқув дастурларига коррупцияга қарши курашиш махсус курсларини киритиш, коррупцияга қарши курашиш мавзусида ўқув дастурларини жорий этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш чораларини кўради;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида норматив ва ташкилий-амалий базани такомиллаштириш чораларини кўради;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш мақсадида, фуқаролик жамияти институтлари, ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ва ота-оналар билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида самарали ҳамкорликни йўлга қўяди;

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида олий таълим муассасалари томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан таълим муассасаси раҳбарияти, педагог ва талабалар эшитувларини ташкил этади;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари коррупция билан боғлик ҳукуқбузарликларга қарши курашишга масъул шахсларни ушбу соҳада ўқитиши ва малакасини ошириш юзасидан ўқув-методик дастурлари ишлаб чиқади ва амалга ошириш ҳамда уларни коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар профилактикасига қаратилган ўқув-услубий ва тарғибот материаллари, тарбиявий ва техник воситалар билан таъминлади;

вазирлик таркибий тузилмаларида коррупцияга йўл қўймаслик юзасидан амалга оширилган ишлар мониторингини юритади.

## V. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

### § 1. Ходимларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказиши,

#### моддий рағбатлантириши

5.1.1. Вазирлик таркибий тузилмалари ходимларини танлаш, уларни аттестациядан ўтказиши ва фаолиятини баҳолаш, шу жумладан мукофот пулларини тўлаш, устама ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, teng ва холис бўлиб, ушбу Сиёsatнинг асосий тамойиллари ва талабларига мувофиқ келади.

5.1.2. Вазирлик таркибий тузилмалари раҳбарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқларини мукофотлашга асос бўлиб хизмат қиласидан, улар фаолиятининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб

чиқилған бўлиши лозим. Ушбу кўрсаткичлар холис, ошкора ҳамда бошқа ходимлар томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

## **§ 2. Виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиш**

5.2.1. Вазирлик тузилмалари ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш чогида виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши, шахсий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзларининг хизмат мавқеидан фойдаланмаслик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан сақланишлари лозим.

5.2.2. Вазирлик таркибий тузилмаларининг ходимлари ишга қабул қилинишида, бошқа лавозимга ўтказилишида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлиги ҳақидаги маълумотларни ҳар йили ва тегишли вазиятлар/ҳолатлар юзага келишига қараб ошкор қилишга мажбурдир.

## **§ 3. Иш жараёнида совғалар**

5.3.1. Вазирлик таркибий тузилмалари ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан бирон-бир совға ёки иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари, карз, кафолатлар, кафилликлар, мукофотлар шаклида рағбатлантириш воситаларини, накд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ёрдам қабул қилиш таъқиқланади.

5.3.2. Вазирлик таркибий тузилмалари ходимлари томонидан расмий делегациялар таркибида, расмий тадбирларда, жумладан, хорижда олинган ҳар қандай совғалар суммасидан қатъий назар вазирлик тасарруфига ўтказилади.

5.3.3. Вазирлик таркибий тузилмалари ходимларига уларнинг шахси билан боғлиқ байрамлар (туғилган кун, боланинг туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, хотин-қизлар куни)да берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совғалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб, тан олинади.

5.3.4. Бундай совғаларни беришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим: совғалар вазирлик, таркибий тузилмаларининг камида уч нафар ходимлари иштирокида берилиши;

совға бериш жараёни табрик нутқи билан бирга бўлиши, унда совға беришга сабаб бўлган воқеа ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши;

совғанинг умумий қиймати (барча солиқлар ва йигимларни ҳисобга олган ҳолда) 5 (беш) баравар базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги;

5.3.5. Вазирлик номидан халқаро конференцияларда, симпозиумларда ва бошқа ишбилармонлик (хизматга оид) йиғилишларда совғалар бериш вазир ёки унинг ўринбосарлари буйруғи билан амалга оширилади.

## **4-§. Учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар**

5.4.1. Вазирлик ва таркибий тузилмалари ушбу Сиёсатнинг тамойиллари

ва талабларига зид бўлган ҳар қандай тўловлар ва (ёки) шу каби коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун маҳсулот етказиб берувчиларни, пурратчиларни ва бошқа учинчи томонларни жалб қилмайди.

5.4.2. Вазирлик ва таркибий тузилмалари учинчи шахслар билан муносабатларда ўз фаолиятини амалга оширишида қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилади.

### **§ 5. Хайрия ва ҳомийлик фаолияти**

Вазирлик ва таркибий тузилмалари қонунда назарда тутилган ҳолларда хайрия ва ҳомийликни қабул қилишлари мумкин. Бундай ёрдамни олган пайтда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни қонунда ва (ёки) шартномада белгиланган мақсадлар учун самарали сарфланишини таъминлаш, шунингдек, Интернет тармоғидаги ўзининг расмий веб-сайтларида имкон қадар барча чораларни кўришлари мумкин.

### **§ 6. Вазирлик ва унинг таркибий тузилмалари фаолиятини видеотасвирга олиш ва трансляция қилиш**

5.6.1. Вазирлик ва таркибий тузилмалари ходимларининг фаолиятини назорат қилиш учун хизмат хоналарида видео ва аудио ёзув камералари жойлаштирилади, уларнинг ёзувлари вазирликнинг масъул ходимлари томонидан доимий равишда кузатиб борилади.

5.6.2. Вазирлик таркибий тузилмаларининг расмий веб-сайтларига коррупция хавфи юкори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляциялари жойлаштирилади (хусусан, ходимлар билан сухбат ўtkазиш ва уларни синовдан ўtkазиш, комиссия йиғилишлари ва бошқалар).

### **§ 7. Ички ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизаси**

Ички ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўtkазища ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон яратадиган коррупциявий омиллар келиб чиқишини олдини олиш, аниқлаш ва истисно қилиш мақсадида ҳам экспертиза ўtkазилади.

### **§ 8. Вазирлик таркибий тузилмалари ходимларига маслаҳат бериш**

Вазирлик таркибий тузилмалари ходимларида коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари, ушбу Сиёsat қоидалари ёки вазирликнинг коррупцияга қарши бошқа чора-тадбирлар ва тартибтаомиллар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай саволлар бўлса, улар ўзларининг таркибий бўлинмаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш ва “комплаенс назорат” хизматига масъул бўлимига ҳамда вазирлик (1006) ишонч телефонига мурожаат қилишлари мумкин.

## **VI. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш**

6.1. Вазирлик таркибий тузилмалари ходимлари ва бошқа шахслар, агар улар тизим ходимлари хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги ва (ёки) одоб-ахлоққа мувофиқлиги тўғрисида шубҳа туғилса, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишига гумон ёки содир этилганлиги фактлари бўлса, улар бу ҳақда вазирликнинг фойдаланиш мумкин бўлган алоқа каналлари орқали хабар беришлари мумкин.

6.2. Вазирлик таркибий тузилмалари ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишончли маълумот берган шахснинг маҳфийлигини таъминлайди (қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

6.3. Вазирлик таркибий тузилмалари ўз ходимларининг манфаатларини химоя қиласи ва қасос олишга қаратилган ҳаракатларга, шу жумладан ишдан бўшатиш, лавозимни пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш, вазирлик тизимишининг бошқа ходимларининг шубҳали ҳаракатлари ёки улар томонидан ушбу Сиёsatнинг коррупцияга қарши талабларини бузиш эҳтимоли ҳақида хабар берган шахсларни таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини кафолатлади.

6.4. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қўйидаги алоқа каналлари орқали бериш мумкин:

**1003, 71 207-03-41, 71 246-38-57** телефон рақамлари ва вазирлик томонидан ўрнатилган бошқа телефон рақамлар;

**@anticoredu** расмий телеграм боти;

вазирлик таркибий тузилмаларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган шакллар;

электрон почта манзиллари;

тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари.

6.5. Вазирлик таркибий тузилмалари алоқа каналларига келиб тушган барча хабарлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига вазирликнинг ички хужжатларига мувофиқ, вазирликнинг масъул бўлими ёки ходими томонидан холис тарзда ва ўз вақтида кўриб чиқлади.

6.6. Аноним равишда (факат телеграм каналлари орқали) юборилган хабарлар ҳам кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

6.7. Вазирлик таркибий тузилмалари томонидан келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи шахс билан қуйидаги ҳолатларда боғланилмайди:

тўлиқ ва кенг қамровли текшириш ўтказиш учун зарур бўлган кўшимча маълумотларнинг йўқлиги;

вазирлик таркибий тузилмалари ходимининг қасддан ёлғон маълумотни тақдим этиши ушбу Сиёsatни бузилиши ва ахлоқсиз хулқатворнинг намунаси сифатида қаралса, бундай шахс эса Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва вазирликнинг ички хужжатларига мувофиқ, жавобгарликка тортилиши мумкин.

6.8. Вазирлик таркибий тузилмаларида коррупция фактлари тўғрисида вижданан хабар берган ходимлар, агар бу маълумотлар тасдиқланган бўлса, ички хужжатларга мувофиқ, рафбатлантирилиши мумкин.

## **VII. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш тартиби**

7.1. Ушбу Сиёsat қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тузатилиши керак:

коррупцияга қарши курашиш амалдаги сиёsat ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарадиган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда;

коррупцияга қарши курашиш самарасиз назорат ва тартиб-таомиллар аниқланганда ва вазирлик таркибий тузилмалари фаолиятида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштиришга зарурат туғилганда;

вазирлик таркибий тузилмалари томонидан ўз вазифаларини бажариши хусусиятлари ва бошқалар ўзгарганда.



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
2021 йил “5” Май даги  
сонли буйруғига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
марказий аппарати, ҳузуридаги ташкилотлар, олий ва ўрта махсус,  
профессионал таълим муассасалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
органларининг ўзаро ҳамкорлиги түғрисида  
ТАРТИБ**

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппарати, ҳузуридаги ташкилотлар, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида соҳага оид белгиланган вазифаларни бажариш жараёнидаги ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппарати, ҳузуридаги ташкилотлар, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш борасида белгиланган вазифаларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

1.2. Мазкур Тартибда кўйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

**хуқуқни муҳофаза қилиш органлари** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқалар.

**ўзаро ҳамкорлик** – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппарати, ҳузуридаги ташкилотлар, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўз ваколатлари доирасидаги ҳамкорлиги;

**тезкор-ўрганиш тадбирлари** – ўрганишлар, ҳукуқбузарликларни аниқлаш ҳамда тўпланган ҳужжатларни ошкоралаштириш.

Ўзаро ҳамкорликни амалга оширишда томонлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ўз ваколатлари доирасида харакат қиласи.

1.3. Ўзаро ҳамкорлик кўйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) ахборот алмашиш;

б) иқтисодий қонунбузилишлар ва коррупцияга оид қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳақидаги маълумотларни чоралар кўриш учун тақдим этиш;

в) ҳамкорликдаги тезкор тадбирлар;

г) жиноят ишлари доирасида ўрганишларни амалга ошириш;

д) ҳамкорликда таҳлилий материалларни тайёрлаш.

## **II. Ахборот алмашиш**

2.1. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги марказий аппарати, хузуридаги ташкилотлар, олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги маълумотлар алманишуви томонларнинг асослантирилган ёзма сўровига кўра амалга оширилади.

2.2. Давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар “Банк сири тўғрисида”ги Қонун, солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

## **III. Иқтисодий ва коррупцияга оид қонунлик талаблари бузилганлиги ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш.**

3.1. Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида иқтисодий ва коррупцияга оид қонунлик талаблари бузилганлиги ҳақидаги маълумотлар белгиланган тартибда чора кўриш учун таалуқлиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим қилинади.

3.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига материалларни юборишда куйидаги иловалар тақдим қилиниши лозим:

ўрганишни амалга оширишга асос ҳисобланган фармойиш, буйрук, иш режаси ва бошқалар;

ўрганишни амалга оширишга асос ҳисобланган ҳужжатлар билан танишиш ёки уларни қабул қилиш рад этилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тегишли тартибда расмийлаштирилган далолатнома;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ, расмийлаштирилган ўрганиш далолатномаси, ўрганиш доирасида содир этилган ҳаракатлар бўйича тузилган баённома, ўрганиш давомида олинган материаллар ва бошқа ҳужжатлар;

ўрганиш далолатномаси билан танишувдан ёки уни олишдан бош тортилган ҳолларда ушбу далолатноманинг бир нусхаси почта орқали юборилганлигини тасдиқловчи буюртма хат;

ўрганиш далолатномасида кўрсатилган қонун бузилишлар бўйича ўрганиш субъектининг тушунтириш хатлари ёки ёзма шаклдаги эътиrozлари;

аниқланган қонунбузилишлар акс эттирилган қисқартирилган холоса;

субъект томонидан ўрганиш ўтказишга тўсқинлик қилинганда, текшириш ўтказиш учун асос бўлувчи ҳужжатларни олишдан ва тилхат беришдан бош тортилганда тузиладиган далолатнома;

субъектдан мавзули ўрганиш предметига таалуқли бўлган ҳужжатлардан нусхалар олинганлиги тўғрисида баённома;

ўрганишга жалб қилинган мутахассислар томонидан берилган холоса;

субъектнинг ўрганиш натижасидан норозилиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришлари ва эътиrozлари.

3.3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тегишли таълим муассасасидан текшириш тадбирлари билан боғлиқ ҳужжатларни, шу

жумладан бошқа текшириш материалларини расмий суров асосида талаб қилиб олиши мүмкін.

3.4. Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сўровига асосан аввал юборилган маълумотларни тақдим этади.

Материаллар хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари раҳбари (ўринбосари)га имзоланган хат асосида юборилади.

3.5. Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари текшириш далолатномаси келиб тушган санадан бошлаб, қонунда белгиланган муддатлардан кечиктирмай кўриб чиқади ва натижаси бўйича қабул қилинган қарор нусхасини далолатномани юборган органга ўша куннинг ўзида тақдим этади.

Бошқа материаллар бўйича кўрилган чоралар ёки қарор қабул қилинган кундан бошлаб, ўн кун муддатда кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабар юборилади.

3.6. Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан юборилган материаллар бўйича назорат чораларини қуидагиларга асосан рад этиши мүмкін:

тақдим этилган материалларда қонунбузилиши тўғрисидаги фактлар мавжуд эмаслиги;

тизим текширувига, ўрганишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжудлиги, шу жумладан хуқуқбузарликнинг даъво муддати ўтганлиги.

#### **IV. Ҳамкорликда тезкор-тадбирларини ўтказиш**

4.1. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги марказий аппарати, хузуридаги ташкилотлар, олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ҳамкорликдаги назорат тадбирларини зарурат бўлганда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан қуидаги йўналишларда амалга оширадилар:

а) прокуратура органлари ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан қонунчиликда белгиланган ҳолларда;

олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим тизимида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга оид хуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда тўпланган материалларни ошкоралаштиришда;

б) ички ишлар органлари билан ўрганиш тадбирлари давомида ходимларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилинганида ёки уларнинг хизмат вазифаларини бажаришида уларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишда;

в) қонунчиликда белгиланган ҳолатларга мувофиқ бошқа йўналишларда.

4.2. Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари мазкур бандда кўрсатилмаган йўналишлар бўйича ҳам назорат тадбирларига юқорида кўрсатиб ўтилган органларни жалб этиш учун уларга сўров юбориши мүмкін.

4.3. Ўзаро ҳамкорлик ходимлар томонидан ўз ваколатлари доирасида тезкор-ўрганиш тадбирларини ўтказишнинг восита ҳамда усусларини танлашда уларнинг мустақиллигига тўсқинлик қilmайди.

4.4. Ўзаро ҳамкорликда ўтказиладиган тадбирлар бўйича тузилган ўрганиш гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштириш ва тадбирлар натижаси бўйича маълумотларни умумлаштириш гуруҳ раҳбари томонидан амалга оширилади.

4.5. Тезкор-ўрганиш тадбирлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органининг буйруғига асосан ўтказилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ҳузуридаги ташкилотлар, вазирлик тизимидағи олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ходимлари тезкор-ўрганиш тадбирларига ушбу тадбирларни амалга оширувчи органнинг сўровига асосан жалб этилади.

4.8. Тезкор-ўрганиш тадбирлари натижаларини расмийлаштириш, шунингдек, улар бўйича қарор қабул қилиш мазкур Тартиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

#### **V боб. Жиноят ишлари бўйича ўрганишларни амалга ошириш**

5.1. Жиноят иши доирасида ўрганиш ўтказиш зарурати пайдо бўлган тақдирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ўрганиш мақсади ва муддати ҳамда зарур бўлган ходимлар сони кўрсатилган қарорни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юборади.

5.2. Ушбу хатга асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ходимлари текширувда (тафтишда) иштирок этиш учун сўров юборган органга ўттиз календарь кундан ошмаган муддатга хизмат сафарига юборилади.

#### **VI боб. Ҳамкорликдаги таҳлилий материалларни тайёрлаш ва қўшма мониторинг ўтказиш**

6.1. Ҳамкорликдаги таҳлилий материалларни тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик тегишли органларнинг ўзаро манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича амалга оширилади.

6.2. Таҳлилий материалларни тайёрлашда ташаббускор томон тегишли органга зарур бўлган мълумотларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорликда ишлаш учун тегишли мутахассисларни юбориш ҳақида сўров юборади.

#### **VII. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Тартиб талаблари бузилишида айбордor бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг  
2021 йил “5” Май даги  
сонли буйруғига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар бўйича  
хабар бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги марказий аппарати, вазирлик ҳузуридаги марказлар, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари, олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари раҳбар-ходимлари, профессор-ўқитувчилар орасида ҳамда жамиятда коррупцион ва бошқа қонун бузилишларига қарши курашиш маданияти даражасини ошириш, ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар содир этишга қизиқтиришга бўлган уринишларни аниқлаш ва уларга шу ҳақида маълум бўлган фактлар ҳақида хабар бериш, ушбу хабарни рўйхатдан ўтказиш ва ундаги маълумотлар юзасидан хизмат текшируви ўтказиш тартибини белгилайди.

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъи назар Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги марказий аппарати, вазирлик ҳузуридаги марказлар, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари, олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари билан меҳнат ва фуқаролик муносабатларида бўлган барча ходимларга нисбатан тадбиқ этилади.

2. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги марказий аппарати, вазирлик ҳузуридаги марказлар, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари, олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ходимлари коррупция ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги бўйича асосли ва ҳаққоний маълумот ва фактларга эга бўлсалар, шунингдек, улар бундай ҳуқуқбузарлик содир этилишига оғдирилсалар, бу ҳақида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги раҳбарайияти, вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш ва “комплаенс назорат” тизимини мувофиқлаштиришга масъул ходимлари ёки ўзлари ишлаётган муассаса раҳбарайиятига бевосита оғзаки ёки ёзма равишда алоқа каналлари орқали хабар беришлари шарт.

**II боб. Коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар  
тўғрисида ҳабар бериш тартиби**

3. Коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларга оид ҳабарлар қўйидаги масъуллар ва тузулмалар ҳамда алоқа каналлари орқали берилади:

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири ва унинг ўринбосарларига оғзаки ҳамда ёзма шаклда;

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг **@vazirga\_takliflar\_bot** телеграм боти орқали;

**71 246-38-57, 71 207-03-41** телефон рақамлари;

**@anticoredu** телеграм боти;

вазирлик ва унинг таркибий тузилмаларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган шакллар орқали ;

вазирлик ва унинг таркибий тузилмаларининг электрон почта манзиллари орқали;

тӯғридан-тӯғри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига.

4. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва унинг таркибий тузилмаларига юқорида кўрсатилган алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва вазирлик нинг ички идоравий хужжатларига мувофиқ холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилади.

5. Умумий фойдаланишдаги ижтимоий тармоқларда берилган, аноним тарзида берилган, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этаётган шахс ҳақидаги маълумотлар аниқ кўрсатилмаган хабарлар ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди ва ушбу маълумотларга тегишли тартибда вазирлик ва таркибий тузилмаларининг ички тартиб қоидлари асосида баҳо берилади.

#### **V боб. Коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар тӯғрисидаги ҳабарга қўйилган талаблар**

6. Ҳуқуқбузарлик тӯғрисида берилаётган ҳабарда қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши шарт:

хабар муаллифининг ФИШ, лавозими;

шахснинг мурожаат қилиши учун унга маълум бўлган ҳолатларнинг тавсифи (сана, жой, вақт ва бошқа ҳолатлар);

коррупцион ёки бошқа ҳуқуқбузарлик тури ва ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган шахс тӯғрисидаги аниқ маълумотлар;

мурожаат қилинган сана;

мурожаатчининг телефон рақами.

7. Мурожаат этувчи ўз мурожаатига асос бўладиган бошқа хужжатларни ҳам қўшиб тақдим этиши мумкин.

#### **V боб. Коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар тӯғрисидаги ҳабарларни расмийлаштириш тартиби**

8. Коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ҳабарлар коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларни қайд этиш дафтирида рўйхатга олинади.

9. Ҳабарларни қайд этиш дафтири вазирликнинг марказий аппаратида коррупцияга қарши курашиш ва “комплаенс назорат” тизимини мувофиқлаштиришга масъул бўлими ходимлари томонидан, вазирлик хузуридаги марказлар, олий таълим муассасалари ва Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаларида эса ушбу

фаолиятни мувофиқлостиришга масъул бўлган ходимлар томонидан юритилади.

10. Хабарларни қайд этиш дафтари ва рақларига номер қўйилиб вазирлик марказий аппаратида вазир, таркибий тузилмаларида эса муассаса раҳбарлари томонидан имзоланади.

11. Аризачи ёлғон хабар берганлик ҳамда тухмат қилганлик учун белгиланган тартибда жиноий ҳамда маъмурий жавобгарлик мавжудлиги ҳақида огоҳлантирилади.

12. Электрон кўринишда берилган хабарлар ҳам юқоридаги тартибда ёзма ариза мазмуни ва шаклига қўйилган талабларга амал қилинган ҳолда тақдим этилади ва мазкур ариза юзасидан масъул ходимлар аризачи билан мурожаат қилинган кун боғланиб ёлғон хабар берганлик ҳамда тухмат қилганлик учун белгиланган тартибда жиноий ҳамда маъмурий жавобгарлик мавжудлиги ҳақида огоҳлантиради ҳамда дархол электрон кўринишдаги аризани хабарларни қайд этиш” дафтарида ушбу Низомнинг 1-иловасида белгиланган тартибда расмийлаштиради ва ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотни аризачига етказади.

13. Хабарлардаги келтирилган маълумотларнинг махфийлиги кафолатланади.

#### **VII боб. Коррупцион ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни масъулларга етказиш ва хизмат текшируви ўтказиш тартиби ҳамда муддатлари**

14. Ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар масъул ходимлар томонидан вазирлик марказий аппаратида вазирга, вазирликнинг таркибий тузилмаларида муассасалар раҳбарларига зудлик билан маълум қилинади.

15. Хабарлар тегишли тартибда кўриб чиқилганидан кейин натижасига кўра қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

агар мазкур масала юзасидан аввал ҳам мурожаат келиб тушган бўлиб ушбу мурожаатдаги ҳолатлар ўз тасдиғини топмаган бўлса, аризани рад этиш тўғрисида;

хабар юзасидан хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида;

хабарлардаги ҳуқуқбузарликлар ҳолатидан келиб чиқиб ҳукукни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш тўғрисида;

16. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири, хузуридаги марказлар, таркибий тузилма раҳбарларининг топшириғига кўра хизмат текшируви ўтказилади.

17. Хизмат текшируви натижаси ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги факти аниқланганда тегишли муассаса раҳбарида икки иш куни ичидаги ҳақида хабар берилади.

18. Хизмат текшируви амалга оширилиши жараёнида хизмат текширувани ўтказаётган ходимлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳуқуқбузарлик тўғрисида ҳабар берган, ходим, талаба, ўқувчи ва бошқа алоқадор шахслар билан сұхбат ўтказиш;

ходим, талаба, ўқувчи ва бошқа алоқадор шахслар томонидан юборилган хабарлар юзасидан тақдим этилган маълумотларни ўрганиш улар юзасидан тушунтиришлар олиш ва бошқалар.

19. Ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш талаб этилганда бир ой муддатда кўриб чиқилади.

20. Хизмат текшируви натижалари юзасидан ёзма хулоса тайёрланиб унда куйидагилар кўрсатилади:

тақдим этилган маълумотлар юзасидан ўрганиш натижалари;  
мурожаатни тасдиқловчи ёки рад этувчи асослар;  
мурожаат юзасидан кўрилган таъсир чоралари;  
мурожаат юзасидан аниqlанган сабаб ва шароитлар юзасидан амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар.

21. Хабарларни кўриб чиқиш натижалари бўйича аризачига жавоб хати юборилади.

#### **VI боб. Якунловчи қоидалар**

22. Мазкур Низомга қонунчиликда белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
їўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
коррупцион ва боинча турдаги  
хукуқбузарликлар бўйича хабардор  
қилини тартиби түзрисида**  
**Низомга ишова**

# КОРРУПЦИОН ВА БОШҚА ХУҚУҚБУЗАРЛЫКЛАР ТҮГРИСИДАГИ ХАБАРЛАРНИ КАЙД ЭТИШ ДАФТАРИ

ДАФТАРИ



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУГИ

2021 йил “28” май

№ 281

Тошкент ш.

**Олий таълим тизимида  
“Коррупциясиз соҳа”  
лойиҳасини амалга оширишни  
ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5927-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2020 йил 4 сентябрдаги 22-2488-сонли топшириғида белгиланган Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”даги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Вазирлик тизимидағи олий таълим муассасаларида Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” тизимини бошқариш бўлими (кейинги ўринларда - Бўлим) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасасининг Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” тизимини бошқариш бўлими тўғрисидаги намунавий низом 1-иловага, Коррупцияга қарши курашиш бўйича талаба-ёшлар клуби фаолияти тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлик тизимидағи олий таълим муассасалари ректорлари ва директорларга:

Бўлимга ходимларни ишга қабул қилишни очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида амалга ошириш;

Бўлим фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарурӣ шарт-шароитлар ва жиҳозлар (мебель, телефон, компьютер, принтер, сейф ва ҳ.к) билан таъминланган алоҳида хизмат хонасини ажратиш;

тасдиқланган намунавий низомлар асосида ўзларининг низом лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш;

Бўлим негизида коррупцияга қарши курашиш бўйича талаба-ёшлар клубини ташкил қилиш;

олий таълим муассасасининг юксак маънавиятли, ҳақиқатпарвар, ҳалол ва фаол талаба-ёшларини мазкур клубга аъзо сифатида қабул қилиш ва клуб фаолиятини йўлга қўйиш бўйича зарурий чораларни кўриш вазифалари юклатилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Бўлим фаолиятини ташкил қилиш, мазкур буйруқ билан тасдиқланган намунавий низомлар республика худудида жойлашган хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, бошқа вазирлик ва идоралар тасарруфидаги олий таълим муассасалари ҳамда нодавлат олий таълим муассасалари учун тавсиявий характерга эга.

5. Вазирликнинг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши қурашибўлими (Х.Абдурахмонов) зиммасига:

олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши қурашибўлими оширилаётган ишлар натижадорлигини янада ошириш мақсадида тегишли амалий чораларни кўриш;

олий таълим муассасаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга оширилишини мувофиқлаштириш ҳамда коррупцияга қарши қурашиб“Комплаенс назорат” тизимини жорий этиш юзасидан умумлашган маълумотларни вазир ўринбосари Р.Хакимовга киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

6. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

А.Тошқулов





Вазирликнинг 2021 йил 18 » май даги  
-сон буйругига 1-илова

## **Олий таълим муассасасининг Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” тизимини бошқариш бўлими тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” тизимини бошқариш бўлимининг (кейинги ўринларда - Бўлим) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, хукуқлари жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш, ходимларнинг функционал вазифалари ҳамда жавобгарлигини белгилайди.

2. Бўлим олий таълим муассасасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлимнинг фаолияти олий таълим муассасасида “Комплаенс назорат” тизимини бошқариш, шунингдек коррупцияга қарши курашиш фаолиятини олиб боришга йўналтирилган бўлиб, ўз ваколатлари доирасида бевосита олий таълим муассасаси ректорига бўйсунади ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирилиги (кейинги ўринларда - вазирлик)нинг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига ҳисобот беради.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, вазирлик буйруқларига ва Ҳайъати қарорларига, мазкур Низом, олий таълим муассасасининг ички буйруқлари, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

5. Бўлим ўз фаолиятини олий таълим муассасасининг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

### **II. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари**

6. Куйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

олий таълим муассасасида коррупцияга оид хукуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

олий таълим тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини олий таълим муассасаси миқёсида амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш;

олий таълим муассасасида коррупцияга қарши кураш “Комплаенс назорат” тизимини жорий этиш ва уни амалга ошириш;

олий таълим муассасасида коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган йўналишлар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;

олий таълим муассасасида коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифларни киритган ҳолда ахборот бериб бориш;

олий таълим муассасасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган дастурлар ижросини таъминлаш;

олий таълим муассасасида коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган жамоатчилик назоратини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш;

коррупцияга қарши курашиш ва жамоат назорати соҳасида умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва хорижнинг ижобий тажрибасини ўрганиш ҳамда илфор жиҳатларни татбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши;

олий таълим муассасасида коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш ва таклифлар ишлаб чиқиши;

олий таълим муассасаси хузуридаги академик лицейнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

7. Бўлим ўзига юклangan вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

олий таълим муассасасида коррупцияга қарши курашишга оид қонунлар ва қонуности ҳужжатлар, шунингдек, Вазирлик Ҳайъати қарорлари ва буйруқларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ва иш режаларини ишлаб чиқади, уларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вактида ижро этилишини таъминлайди, белгилangan чора-тадбирларнинг амалга оширилиши аҳволини ўрганади, натижалари бўйича маълумотлар тайёрлайди;

олий таълим муассасасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга оширади;

олий таълим муассасасида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун ректор(директор)га киритади;

олий таълим муассасасининг ички ҳужжатларида аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

олий таълим муассасасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди ва уларни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқади;

олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари, бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўкув-ёрдамчи ходимларининг ҳатти-ҳаракатларидағи коррупциявий хавф хатарлар ва ҳукуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатлар ва аноним хабарларни кўриб чиқади ҳамда ўрнатилган тартибда чоралар кўради;

олий таълим муассасасида коррупция фактларига доир хизмат текширувларини реестрини юритиб боради;

давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилишда ва контрагентларнинг ишончлилигини текширишда иштирок этади;

олий таълим муассасаси ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви мониторингини юритади ва тегишли таклифлар киритади;

олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари, бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи, ўкув-ёрдамчи ходимлари ўртасида мунтазам равишда профилактик сухбатлар ташкил этиб боради;

олий таълим муассасаси фаолиятида коррупциявий ҳолатларни аниқлаш мақсадида профессор-ўқитувчилар, бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи, ўкув-ёрдамчи ходимлар, талабалар (магистрантлар, докторантлар, мустақил изланувчилар) ва аҳоли ўртасида сўровлар ўтказади;

сўровлар, ижтимоий ва бошқа тадқиқотлар асосида коррупцияга қарши курашиш тарғиботи бўйича чора-тадбирлар натижалари ва таъсирини мунтазам равишда баҳолаб боради ҳамда кейинги чора-тадбирларни белгилашда баҳолаш натижаларидан фойдаланади;

профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ўртасида коррупцияга қарши курашишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ташкил этади;

олий таълим муассасасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолайди;

олий таълим муассасасида коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар содир этилишининг шарт-шароитлари ва сабабларини ўрганади, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

олий таълим муассасасининг расмий веб-сайтида “Коррупцияга қарши курашиш” бўлимидағи маълумотларни мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлади;

ҳар чоракда ва заруратга кўра коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда олий таълим муассасасидаги коррупциявий вазият ҳақида ректорга (директорга) ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим

вазирлигининг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига ҳисобот беради;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, ота-оналар билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида самарали ҳамкорликни йўлга қўяди;

олий таълим муассасаси хузуридаги академик лицейнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги фаолияти устидан назорат ўрнатади;

олий таълим муассасасида коррупцияга қарши амалга оширилган ишлар мониторингини юритади, таҳлилий материалларни раҳбариятга ҳамда вазирликка киритиб боради.

### **III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

8. Бўлим ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

олий таълим муассасаси ва унинг хузуридаги академик лицейга ишга қабул қилиш, ходимларни аттестациядан ўтказиш, талаба (магистрант, докторант, мустақил изланувчи)ларни имтиҳонлари (якуний, оралиқ, малакавий, якуний давлат аттестацияси, диплом ҳимояси) жараёнларини бевосита ёки видеотрансляция орқали кузатиб бориш, мазкур жараёнларда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш;

олий таълим муассасасининг ҳамда унинг хузуридаги академик лицейнинг профессор-ўқитувчилари, бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўкув-ёрдамчи ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материаллар, хulosалар, бирламчи ва бошқа тасдиқловчи хужжатларни, статистик ва бошқа маълумотларни сўраш, талаб қилиш ва олиш;

хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида олий таълим муассасаси ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш, зарур ҳолларда ишчи гурухлар ташкил этиш;

олий таълим муассасасининг Кенгаши мажлиси йиғилишларида иштирок этиш;

олий таълим муассасаси ректорига (директорига) комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид таклифлар киритиш;

ваколати доирасида текширувлар ўтказиш, хужжатларни талаб қилиш, олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари, бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўкув-ёрдамчи ходимлари, талabalар (магистрантлар, докторантлар, мустақил изланувчилар)дан ёзма тушунишилар олиш,

жиноят аломатлари аниқланган ҳолларда тегишли хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

ўз фаолияти доирасида олий таълим муассасасининг таркибий бўлинмаларига кўрсатмалар ва тавсиялар бериш;

Бўлим қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 9. Бўлим:

ўзига юкланган вазифаларнинг тегишли даражада ва самарали бажарилиши;

ўзига юкланган функцияларнинг бажарилиши ҳамда ижро интизомини таъминлаш талабларини бажарилиши;

олий таълим муассасаси раҳбариятига ахборот бериш учун материаллар ва хужжатларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминланиши;

олий таълим муассасасида комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш фаолияти бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда қонунчилик хужжатлари асосида ҳал этилиши учун жавоб беради.

### **IV. Бўлим тузилмаси**

10. Бўлим тузилмаси Бўлим бошлиғи ва бош мутахассисни ўз ичига олади.

11. Бўлимга бошлиқ раҳбарлик қиласи. Бўлим фаолияти мустақиллигини таъминлаш мақсадида Бўлим бошлиғи ўз фаолиятида бевосита олий таълим муассасаси ректори (директори)га ва Бўлим бош мутахассиси Бўлим бошлиғига бўйсунади.

12. Бўлим бошлиғи олий таълим муассасасининг бўйсунувидаги вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси ректорининг буйруғига мувофиқ белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

13. Бўлимнинг бош мутахассиси олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

## **V. Бўлим бошлиғи ва бош мутахассисининг асосий функционал вазифалари**

14. Бўлим бошлигининг асосий функционал вазифалари қўйидагилардан иборат:

Бўлимга умумий раҳбарлик қилади, бўлим ишини ташкил этади, бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ҳамда ижро интизоми бўйича тўлиқ жавоб беради;

олий таълим муассасасида коррупцияга қарши курашишга оид қонунлар, қонуности хужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради;

коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ва иш режаларини ишлаб чиқади, уларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлайди;

олий таълим муассасасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга оширишга қаратилган ишларни ташкил этади;

илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

фуқаролик жамияти институтлари, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, ота-оналар билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида самарали ҳамкорликни йўлга қўяди;

комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашишга масъул шахсларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этади;

олий таълим муассасасида коррупцияга йўл қўймаслик юзасидан амалга оширилган ишлар мониторингини юритади, таҳлилий материалларни раҳбариятга киритади;

бўлим фаолиятига тааллукли масалалар бўйича хужжатларни ишлаб чиқади, шунингдек, киритилган хужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилишини таъминлайди ва таклифлар тайёрлайди;

олий таълим муассасаси Кенгаши таркибига киритилади ҳамда мажлисларда иштирок этади;

бўлим ишларини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

бўлим фаолияти билан боғлиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда ижро интизомига тўлиқ амал қилади;

қонун хужжатларига мувофиқ ваколати доирасида бошқа функционал вазифаларни амалга оширади.

15. Бош мутахассисининг асосий функционал вазифалари қўйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари педагог ходимлари, талаба ёшлар ҳамда жисмоний ва юридик шахслар билан учрашувлар ташкил этиб, уларни қийнаётган тизимли муаммоларни ўрганади, олий таълим муассасасида коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган йўналишлар ҳамда коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлади;

коррупцияга қарши курашиш борасида ўтказиладиган ўрганишлар, текширишлар, таҳлиллар ҳамда ишлаб чиқиладиган таклифларда мутахассисларни жалб этишда иштирок этади;

коррупцияга қарши ўқув-услубий ва методик жиҳатдан, жумладан аудио-видео роликлар, фото ҳамда буклет ва брошура каби материалларни яратишни йўлга кўяди;

олий таълим муассасаларида коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа сўровларни ташкил этади;

Бўлим бошлиги бўлмаганда, бош мутахассис фаолиятни мувофиқлаштириб боради;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ваколати доирасида бошқа функционал вазифаларни амалга оширади.

## **VI. Бўлим фаолиятини ташкил этиш**

16. Бўлим ўз фаолиятида соҳага доир қонун ҳужжатлари, тегишли вазирлик ва идоралар буйруклари, Ҳайъат қарорлари, олий таълим муассасаси Кенгashi қарорлари, буйруклари, мазкур Низом ва Бўлимнинг иш режаси асосида амалга оширади.

17. Олий таълим муассасасининг Кенгаш қарорлари, ректор буйруклари ва тендер ҳужжатлари Бўлим билан мажбурий тартибда келишилади.

18. Бўлимнинг иш режаси олий таълим муассасаси иш режаси таркибий қисми ҳисобланади ҳамда олий таълим муассасаси ректори (директори) томонидан тасдиқланади.

## **VII. Якуний қоида**

19. Бўлим фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



Вазирликнинг 2021 йил 28 «декабрь» даги 281 - сон  
буйругига 2-илова

## **Олий таълим муассасасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича талаба-ёшлар клуби НАМУНАВИЙ НИЗОМИ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Олий таълим муассасасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича талаба-ёшлар клуби (кейинги ўринларда - Клуб) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5719-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 5 мартағи 120-сонли буйруғи, ОТМ Кенгашининг 2021 йил даги йигилиш қарорига асосан ташкил этилади ва ўз фаолиятини мазкур Низомга асосан олиб боради.

2. Клубнинг асосий мақсади олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари, ходимлари, талаба-ёшларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни ва коррупцияга қарши ижтимоий-психологик иммунитетни шакллантириш, коррупцияга қарши курашиш жараёнида жамоатчилик назоратини йўлга қўйишдан иборат.

### 3. Клубнинг асосий вазифалари:

-тарғибот-ташвиқот ишлари орқали профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талаба-ёшлар ўртасида коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан ноль даражадаги тоқатсизликни шакллантириш;

- олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ходимларини фаолиятини олиб борища шаффофликни таъминлаш ҳамда мазкур жараёнларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

- олий таълим муассасасида коррупцияга қарши курашиш соҳаси бўйича олиб борилаётган ишларда талаба-ёшларнинг фаол иштироқини таъминлаш;

- жамоат ва сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида, биринчи навбатда, таълим тизимида коррупцияни олдини олиш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқишида фаол қатнашиш;

- олий таълим муассасасида талаба-ёшлар иштирокида коррупциянинг мазмун-моҳияти, унинг келиб чиқиши сабаблари ҳамда унга қарши курашиш бўйича давра сұхбатлари, флешмоблар ва бошқа тадбирлар ташкил этиш.

4. Клуб фаолияти ихтиёрийлик, мустақиллик, қонунийлик, объективлик, коллегиаллик ва ошкоралик тамойилларига асосан ташкил қилинади.

## **II. Клуб тузилмаси ва ташкилий масалалар**

5. Клуб Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан олий таълим муассасаси қошида жамоатчилик асосида ташкил этилади.

6. Клуб фаолиятига умумий раҳбарлик олий таълим муассасаси Коррупцияга қарши кураш “Комплаенс назорат” тизимини бошқариш бўлими (кейинги ўринларда – Бўлим) томонидан амалга оширилади ҳамда Клуб Бўлим олдида ҳисобдор саналади.

7. Клуб алоҳида эмблемаси (логотипига)га эга бўлади.

8. Бўлим томонидан Клуб фаолиятида иштирок этувчилар рўйхати факультет деканлари тавсиясига асосан оғзаки сўров асосида шакллантирилади.

9. Бўлим тақдим этилган рўйхатда келтирилган талабалар билан умумий танишув сұхбати ўтказади. Сұхбат давомида талабаларнинг билим даражаси ва дунёқараши баҳоланади.

10. Сұхбат натижаси бўйича талабаларни Клубга аъзолигига қабул қилиш Бўлим томонидан тушиб имзоланган якуний рўйхат асосида амалга оширилади.

11. Клуб аъзоларининг фаолияти бир нечта секторларга бўлинган тартибда амалга оширилади.

12. Клуб аъзолари фаолиятини тўғри ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш мақсадида Бўлим томонидан ҳар бир секторга олий таълим муассасаси вакили - сектор раҳбари ҳамда аъзолар орасидан сектор етакчиси рўйхати шакллантирилади.

15. Клуб иш режасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар, уларни ўтказишдан мақсад, саналар, қатнашувчилар, масъул шахслар ва амалий натижалар акс эттирилади, мазкур режа ҳар ўкув йилининг бошида Бўлим томонидан тасдиқланиб, уни амалга оширилиши тизимли равишда назорат қилинади.

16. Клуб иш режасида аъзоларнинг умумий йиғилиши, коррупцияга қарши курашиш мавзусига бағишланган эсселар танлови ва флешмоблар, учрашувлар, илмий семинарлар, коррупцияга қарши кураш бўйича соҳа мутахассислари ва таниқли шахслар иштирокида учрашувларни ўтказиш каби тадбирлар акс эттирилади.

17. Клуб аъзолари қонун устуворлигини таъминлай оладиган, ватанпарвар, коррупцияга қарши курашишда фидоий, жонкуяр, одоб-аҳлоқи бўйича намунали бўлиши керак.

18. Клуб иш режаси ва ҳисботлари Бўлим бошлиғи томонидан тасдиқланади.

19. Клуб аъзоларига қонун ҳужжатлари асосида тақиқланган харакатларни амалга ошириш ҳамда фаолияти давомида хизматга доир ва бошқа маълумотларни ошкор этиш қатъий тақиқланади.

20. Клуб аъзолари қуйидаги хуқукларга эга:

клуб фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиш;

клуб доирасида ташкил этиладиган танловлар ва тадбирларда қатнашиш.

Клуб аъзолари фаолиятдан келиб чиқиб бошқа хуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Клуб аъзоси қуйидаги мажбуриятларга эга:

олий таълим муассасасидаги ўқув жараёнларига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда Клуб доирасидаги тадбирларда қатнашишга;

Бўлим бошлигининг, Клуб сектори раҳбари ва етакчисининг Клуб фаолиятга оид қонуний кўрсатмаларини бажаришга.

22. Талабалар қуйидаги асосларга кўра клуб аъзолигидан чиқарилади:

ўз хоҳишига кўра берган аризасига асосан;

олий таълим муассасасини тугатганда;

талабалар сафидан четлаштирилганда ва академик таътил олганда;

хизматга доир ва бошқа маълумотларни ошкор этганда;

соғлиғи имкон бермаганда;

жиноий жавобгарликка тортилганда;

қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда.

23. Талабани клуб аъзолигидан чиқариш ҳақида сектор раҳбари Бўлимга билдириги билан мурожаат қиласи. Билдириги асосида талаба клуб аъзолари рўйхатидан чиқарилади.

24. Талабани клуб аъзолигидан чиқаришга асос бўлган ҳолатларнинг бартараф этилганлиги (соғлиғи тикланганда, талабалар сафига тикланганда, клуб аъзолигига қабул қилиш ҳақида мурожаат этганда ва бошқалар) уни клуб аъзолигига қабул қилиш учун асос бўлади.

25. Мазкур Низом талабларини бузганлиги учун клуб аъзолигидан чиқарилган талаба камида олти ой ўтгач, клубга такроран қабул килиниши мумкин.

### **III. Якуний қоидалар**

26. Клуб аъзоларининг клуб доирасидаги фаолияти уларни олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни доирасидаги мажбуриятлардан озод этмайди.

27. Олий таълим муассасаларида клуб аъзоларининг маълумотномаси (объективка) юритилади.

28. Талабаларнинг клубдаги фаолияти олий таълим муассасаси томонидан рағбатлантирилиши мумкин.

29. Клуб фаолиятини тугатиш ва қайта ташкил этиш олий таълим муассасаси Кенгаши қарори асосида амалга оширилади.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ**

20 20 йил “27” октабрь

№ 564

Тошкент ш.

**Коррупцияга қарши курашиш ва  
одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 4 сентябрдаги 02-2488-сонли топшириғига мувофиқ тасдиқланган “Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”, шунингдек, 2020 йил 25 сентябрдаги 02-2700-сонли топшириғига мувофиқ “Мамлакатда коррупцияга қарши олиб борилаётган ислоҳотларнинг кўлами ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 марта “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган намунавий қоидалардан келиб чиқиб, ходимлар одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини вижданан ва самарали бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, давлат хизматида мансабини сустеъмол қилиш ва коррупциявий ҳолатларни олдини олиш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

**1. Қўйидагилар:**

а) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги марказий аппарати, тизимдаги ташкилотлар, олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари ходимларининг коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидалари 1-иловага мувофиқ;

б) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ;

в) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссиясига вазирлик ходимларининг коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини доимий назоратга олиш вазифаси юклатилсан.

3. Ташкилий-кадрлар бошқармаси (Б.Кодиров) ва Касаба уюшмаси (Н.Рахмонов) Вазирлик марказий аппарати ходимларини коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидалари билан таништириш ҳамда унга риоя этилиши юзасидан тушунтириш ишларини олиб борсин.

4. Вазирлик тизимидағи ташкилотлар, олий таълим муассасалари раҳбарлари, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари бошлиқлари:

бир ҳафта муддатда коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссияси таркиби ҳамда комиссия низомини тасдиқласин;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатсан.

5. Коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидалари бошка вазирлик ҳамда идоралар тасаррүфидаги олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари учун тавсиявий характерга эга эканлиги белгилаб қўйилсан.

6. Вазирликнинг 2016 йил 25 апрелдаги 165-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

7. Ушбу буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдирман.

Вазир



И.Маджидов



Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
2020 йил “27” октябрдаги “562”-сонли  
бўйруғига 1-илова

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппарати, тизимдаги  
ташкилотлар, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари,  
Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий  
бошқармалари ходимларининг коррупцияга қарши  
курашиш ва одоб-ахлоқ қоидалари**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппарати, тизимдаги ташкилотлар, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари ходимларининг коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда “Қоидалар” деб юритилади) ходимларнинг эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар коррупцияга қарши курашиш, касбий одоб-ахлоқнинг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йигиндисидан иборат.

2. Қоидалар коррупция ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, давлат хизматчиларини юксак ҳукуқий онглилик, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳукуқий хужжатларига қатъий роия қилишга, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган.

3. Ходимнинг Қоидаларга амал қилиш мажбурияти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппарати, тизимдаги ташкилотлар, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаларига ишга қабул қилинган кундан эътиборан келиб чиқади.

Ишга кираётган шахслар Қоидалар билан имзо қўйдирган ҳолда таништириладилар.

4. Ходимлар барча қонун ҳужжатлари ва Қоидалар талабларига риоя этишлари шарт. Қоидаларга риоя этиш ходимларнинг касбий фолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

**II. Ходимларнинг хизматдаги хулқ-атворининг асосий  
принциплари ва қоидалари**

5. Ходимлар ўз касбий фаолиятини куйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

- а) қонунийлик;
- б) фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

- в) очиқлик ва шаффоффлик;
- г) тизимлилик;
- д) давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;
- е) ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойилик;
- ё) давлат ва жамият манфаатлариға содиклик;
- ж) адолатлик, ҳалоллик ва холислик;
- з) манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;
- и) коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга доир чоратадбирлар устуворлиги;
- й) жавобгарликнинг муқаррарлиги.

#### 6. Ходимлар қўйидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабаларига қатъий риоя этиш;

ўз хизмат вазифаларини вижданан, юксак касбий даражада бажариш; юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида сифатли бажариш;

ўз фолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларида белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гурухлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳукуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатлариға йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкий ва бошқа манфаатларининг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларига барҳам бериш;

норматив-ҳукуқий ҳужжат ва идоравий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлат ҳалқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гурухлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро тотувликка кўмаклашиш;

ўзларининг хизмат вазифаларини вижданан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки давлат органининг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

соҳада коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга доир чоратадбирларни амалга ошириш;

7. Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шуниндеқ шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар ходимларнинг қонун хужжатлари талабларини ва Қоидаларни бузишга асос бўла олмайди.

8. Агар қонун хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш тақиқланади.

9. Ходимлар коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасиға фаол кўмаклашиши шарт.

Ходимлар ўз раҳбарларини ёхуд хукуқни муҳофаза қилиш органларини уларни хукуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек бошқа ходимлар томонидан содир этилган хукуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш шарт.

Раҳбарлар қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ходимларнинг ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл кўймасликни таъминлаши керак.

10. Ходимлар касбий фолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

11. Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши, давлат органида ёхуд унинг таркибий ёки худудий бўлинмасида маънавий-психологик мухит шаклланишига кўмаклашиш лозим, у ўзига бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-харакатларни содир этишга ундумаслик керак.

Раҳбар кадрларни қариндошлиқ, ҳамشاҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл кўймаслиги зарур. У гурухбозлиқ, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишлари, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиш лозим.

### Раҳбар:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибиға солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриш;

коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш чораларини кўриш;

ходимларни самарали бошқариш, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвор принциплари ва Қоидаларни бузаётган ходимларнинг хатти-харакатларига (харакатсизлигига) йўл кўйилмаслиги учун жавоб беради.

12. Ходимлар ўзларининг хизмат вазифаларига бўлган муносабати билан жамоада ишчанлик, ўзаро хайриҳоҳлик ва амалий ҳамкорлик мухитини қарор топтиришга интилишлари керак.

Ходимлар хушмуоамала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкаслари билан ўзаро муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Ходимлар ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шартлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда ходимларнинг ташқи кўриниши фуқароларнинг давлат органига нисбатан ҳурмат билан муносабатдан бўлишга ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажralиб туриши керак.

13. Ходимлар хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одобахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги карак.

### III. Манфаатлар тўқнашуви

14. Ходимлар ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви ходимларнинг шахсий манфаатлари уларни ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришга таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Ходимларнинг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларига эга бўлишини ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

15. Ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади.

Ходимлар ўзларининг хизмат вазифаларини талаб даражасида бажаришга ёки уларга заарар етказиши мумкин бўлган фаолиятини амалга оширмаслиги, шунингдек лавозимни эгалламаслиги керак.

Ходимлар ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

Ходимлар ўз раҳбарини манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш мақсадида тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштироки этиш тўғрисида хабардор қилиши шарт.

16. Ходимлар лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

#### **IV. Коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик**

17. Коррупциявий ҳолатлар ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

18. Коррупциявий ҳолатлар ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар суднинг қарорига кўра муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин.

19. Ходимлар томонидан Қоидаларнинг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

20. Ходимлар томонидан Қоидаларга риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тавсия этиш учун кадрлар захирасини шакллантиришда, тақдирлаш ёки мукофотларга тавсия этишда ҳисобга олинади.

21. Қоидаларда назарда тутилган нормаларнинг бузилиши маҳсус таркибий бўлинма ёки Коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссияси, маҳсус таркибий бўлинма мавжуд бўлмаган тақдирда, тегишли бўлинмалар ходимларидан одатда 5-11 кишидан иборат таркибда тузилади. Коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалалари раҳбар томонидан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низомда белгиланади.

Қоидаларнинг бузилиши ҳолатларини маҳсус таркибий бўлинма ёки Коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиши натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоид бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айни вақтда Қоидаларни бузган ходимни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклиф раҳбарга кўриб чиқиши учун киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг ҳарактерини ҳисобга олган ҳолда, Коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссияси ходимга нисбатан Қоидаларнинг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Ходимлар ўzlари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш

учун далилларни тақдим этиш, шунингдек раҳбарнинг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш хуқуқига эга.

#### **V. Якуний қоидалар**

22. Зарурат бўлганда ушбу Қоидаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг буйруғига асосан белгиланган тартибда амалга оширилади.



Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
2020 ийл “14” октябрдаги “564”-сонли  
буйруғига 2-илова

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг коррупцияга қарши  
курашиш ва одоб-ахлоқ комиссияси таркиби**

- |                  |  |
|------------------|--|
| 1. И.Маджидов    | - Вазир, комиссия раиси  |
| 2. Ў.Саломов     | - Вазирнинг биринчи ўринбосари, комиссия раиси<br>ўринбосари     |
| 3. Ю.Абсоатов    | - Вазирнинг ахборот технологиялари ва ёшлар<br>бўйича ўринбосари |
| 4. О.Базаров     | - Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи                     |
| 5. Б.Қодиров     | - Ташкилий-кадрлар бошқармаси бошлиғи                            |
| 6. С.Тошматов    | - Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси<br>бошлиғи           |
| 7. Р.Сулейманова | - Юридик бўлим бошлиғи   |
| 8. М.Закиров     | - Фахрийлар кенгаши раиси  |
| 9. Н.Рахмонов    | - Касаба уюшмаси раиси   |



Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг  
2020 йил 27 октябрдаги “564”-сонли  
буйруғига 3-илова

## Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида низом

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда “Вазирлик” деб юритилади) марказий аппарати ходимларининг коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишларини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом Коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) вазифалари, ваколатлари ва унинг иш фаолиятига оид муносабатларини белгилайди.

3. Комиссия аъзолари жамоатчилик асосида фаолият юритади.

### II. Коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссиясининг таркиби

4. Комиссияси вазир, вазир ўринbosарлари, тегишли таркибий бўлинмалар бошликлари, жамот ташкилотлари вакилларидан иборат одатда 5-11 кишилик таркибда тузилади.

5. Комиссия ишига раис, раис бўлмаган тақдирда раис ўринbosари раҳбарлик қиласи.

6. Комиссия таркиби вазирниң буйруғига мувофиқ тасдиқланади.

### III. Коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссиясининг вазифалари

#### 7. Комиссия:

Вазирлик ходимларини коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда “Қоидалар” деб юритилади) билан таниширади ҳамда Қоидаларни мазмун ва моҳияти тўғрисида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб боради;

Вазирлик ходимлари учун семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқа тадбирларни ўтказиш бўйича режа ишлаб чиқади ва тадбирларни ташкил этади;

ходимлар томонидан шахслар қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлади;

ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, соҳада коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлайди;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йигади ҳамда таҳлил этади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга оширади, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолайди.

Комиссия Қоидалар, шунингдек қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### **IV. Коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

8. Комиссия қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ходимларнинг Қоидаларга риоя этишлари устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш;

коррупция ва ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатлар, шунингдек ходимларнинг одоб-ахлоқи юзасидан таклиф ва хулосалар тайёрлаш.

Қоидаларнинг бузилиши ҳолатлари юзасидан текширув ўтказиш ҳамда қоидаларни бузган ходимларга нисбатан қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар бериш.

Комиссия Қоидалар, шунингдек қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

9. Комиссия Қоидалар ва бошқа қонун хужжатлари, шунингдек ўзига юклатилган вазифаларнинг бажарилашига жавобгар ҳисобланади.

**O‘zbekiston Respublikasi  
Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar  
vazirligi**

**TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI**

**Korrupsiyaga qarshi kurashish “Komplayens  
nazorat” tizimini boshqarish bo‘limi**



**“Komplayens nazorat” tizimini yo‘lga qo‘yish bo‘yicha  
ME’YORIY HUJJATLAR TO‘PLAMI**

Termiz - 2023

Telegram kanali: [https://t.me/TerDUantiCorruption\\_bot](https://t.me/TerDUantiCorruption_bot)  
Elektron pochta: ulugbekdevonov67@gmail.com

## Korrupsiyaga qarshi “Komplayens-nazorat” tizimi nima?

Ilg‘or xorijiy davlatlarning korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi zamonaviy boshqaruv usullariga muvofiq, samarali faoliyat yuritishni ta’minlovchi eng muhim profilaktik vositalardan biri tarkibida korrupsiyaga qarshi “komplayens nazorat” tizimini joriy etish hisoblanadi.



“**Komplayens**”, “**komplayens nazorat**” (**compliance control**) tushunchalari - muvofiqlik va aniq belgilangan qoida, standart hamda ko‘rsatmalarga muvofiq faoliyat yuritishni anglatadi.

Davlat organlari va xo‘jalik yurituvchi subyektlar, banklar va xususiy sektor faoliyatini korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi xalqaro standartlar, qonun va boshqa me’yoriy-huquqiy hujjatlarga muvofiq tashkil etilishini ta’minlovchi, korrupsiya xavf-xatarlari va manfaatlar to‘qnashuvini o‘z vaqtida aniqlash hamda ularga chek qo‘yish, qonun buzilishi va **korrupsiyaga oid huquqbuzarliklar haqida xabar berish** kabi qator profilaktik choralarini o‘zida mujassam etgan samarali tizimdir.



## **“Komplayens nazorat” tizimining xalqaro prinsiplari:**

- **Shaxsiy namuna (TONE AT THE TOP)** – rahbariyat tomonidan korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi **tashabbuslarni qo‘llab-quvvatlash, rag‘batlantirish** va bunda **jamoaga shaxsan namuna bo‘lishi**;
- **Korrupsiyaga nisbatan murosasizlik** – xodimlarda korrupsiyaga nisbatan “**0 (nol)**” darajadagi **murosasizlik** madaniyatini shakllantirish;
- **Ochiqlik va shaffoflik** - faoliyatda **ochiqlik va shaffoflikni ta’minlash**;
- **Xabar berish siyosati** - qonun buzilishi, manfaatlar to‘qnashuvi va korrupsiyaga oid huquqbuzarliklar haqida **xabar berish**;
- **Komplayens dasturi** - korrupsiyaga qarshi kurashish siyosatini **qamrab oluvchi jarayonlar**;
- **Komplayens xodim** - korrupsiyaga qarshi kurashish faoliyatini samarali yuritish uchun **javobgar shaxs**;
- **Korrupsiyaviy xavf-xatarlarni baxolash** - foliyatni turli korrupsiyaviy xavf-xatarlardan **himoya qilish** va **baholab borilishini monitoring qilish**;
- **Samaradorlik va malaka oshirish** - xodimlarni **korrupsiyaga qarshi madaniyati va bilimini** muntazam oshirib borish maqsadida o‘qitish;
- **Tizimli tahlil** - korrupsiyaga qarshi “komplayens nazorat” xizmatining **samarali faoliyat yuritib borishini** muntazam ravishda baholab, monitoring qilish;
- **Kontragent** - uchinchi tomon shaxslarning **ishonchliliginibaholash**.

## **Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tizimini tartibga soluvchi munosabatlar**



- Korrupsiyaga qarshi kurashish **siyosatini** ishlab chiqish;
- Shaffof davlat xaridlari **siyosatini amalga oshirish va nazorat qilish;**
- Byudjet mablag‘larining **maqsadli sarflanishi va byudjet intizomiga rioya qilishning** kompleks mexanizmlarini ishlab chiqish;
- Korrupsiyaviy **xavf-xatarlarni** aniqlash;
- Qonun buzilishi va korrupsiya holatlari haqida **xabar berish tartibi;**
- Manfaatlar to‘qnashuvini boshqarish tartibi.

## **Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat tizimini tartibga soluvchi munosabatlar**



- Davlat xizmatchilarining **odob-axloq** qoidalari;
- Ish yuzasidan **sovg‘alar berish va olish tartibi** hamda **ko‘ngilochar tadbirlarni** tashkil etish;
- Nomzodlarni ishga qabul qilishning **ochiq va shaffof** tartibi;
  - Xizmat **tekshiruvlarini** o‘tkazish tartibi;
- Xizmat **siri va ma’lumotlarining** konfidensialligini saqlash tartibi;
- Xayriya va homiylik yordamini ko‘rsatish tartibi.



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**  
**TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI**  
**KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH TO'G'RISIDAGI**  
**NIZOM**

**Mazkur Nizomning asosiy maqsadi:**

- Universitet xodimlarining huquqiy ongi va madaniyatini shu orqali **jamiyatda korrupsiyaga toqatsiz munosabatni** shakllantirish;
- Universitet xodimlari korrupsiyaga qarshi **qonun hujjatlari va ichki idoraviy hujjatlari talablarini to'liq bilishlari** hamda ularga **rioya etishlari** lozim;
- Universitet xodimlari **korruption harakat sodir etganligi** uchun **javobgar** hisoblanadi;
- Universitetga **ishga kiruvchi har qanday shaxs** korrupsiyaga qarshi kurash to'g'risidagi **NIZOM** bilan **imzo qo'ygan holda tanishishi** va **unga rioya etishi shart**.

**Korrupsiya nima?**

**Korrupsiya** - shaxsning o'z mansab yoki xizmat mavqeidan **shaxsiy manfaatlarini yoxud o'zga shaxslarning manfaatlarini ko'zlab moddiy yoki nomoddiy naf olish maqsadida qonunga xilof ravishda foydalanishi.**



**ASOSIY TUSHUNCHALAR**

- ✓ **korrupsiyaviy harakatlar** - xodim tomonidan **pora beruvchining manfaatlarini ko'zlab** harakat yoki harakatsizligi uchun bevosita yoki bilvosita, shaxsan yoki uchinchi shaxslar orqali **porani (pul, qimmatbaho qog'ozlar, mulkiy tusdagি xizmatlar, boshqa mulkiy huquqlarni)** olish, **talab qilish, taklif qilish, va'da qilish va berish, pora berish va olishda vositachilik** qilish, **o'z xizmat mavqeidan noqonuniy foydalanish;**

- ✓ **kronizm** bu - **do'stlarga yoki ishonchli shaxslarga noqonuniy imtiyozlarni taqdim etish** maqsadida xizmat vazifasidan foydalanish va (yoki) ta'sir o'tkazish;
- ✓ **manfaatlar to'qnashuvi** - **shaxsiy manfaatdorlik** Universitet xodimining **mansab yoki xizmat majburiyatlarini** lozim darajada bajarishiga ta'sir ko'rsatayotgan, ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan hamda **shaxsiy manfaatdorlik** bilan Universitet tizimining **huquqlari va qonuniy manfaatlari o'rtasida qaramaqarshilik** yuzaga kelayotgan yoki yuzaga kelishi mumkin bo'lgan vaziyat;
- ✓ **mahalliychilik** - shaxsni mazkur lavozimga qo'yiladigan **malaka talablariga muvofiqligini** inobatga olmagan holda, faqatgina **kelib chiqishi hamda mazkur shaxsning huqumat vakolatlariga ega bo'lgan idoralarda yaqin qarindoshining xizmat mavqeい sabablari** bo'yicha shaxsni ishga qabul qilish, ishini o'zgartirish, lavozimga tayinlash;



Conflict of interest



- ✓ **nepotizm** – o'zining **yaqin qarindoshlariga g'ayriqonuniy imtiyozlar berish** maqsadida **hokimiyatdan foydalanish** va (yoki) ta'sir o'tkazish, **yaqin qarindoshlari va do'stlariga** asossiz mukofotlar hisoblash, universitet manfaatlari zarariga **yaqin qarindoshlari va do'stlarini** ishga qabul qilish va lavozimga tayinlashlar;

- ✓ **urug'-aymoqchilik** - **muayyan qarindoshga mansubligi asosida** uchinchi shaxslarga nisbatan subyektiv, iltifotli va noxolis munosabatda bo'lish shaklidagi **shaxsiy manfaatini** namoyon etilishi;



✓ **yaqin qarindoshlar** – qarindosh yoki quda tomonidan qarindosh bo‘lgan shaxslar, ya’ni ota-onas, tug‘ishgan va o‘gay aka-uka va opa-singillar, er-xotin, farzand, shu jumladan farzandlikka olinganlar, bobo, buvi, nevaralar, shuningdek er-xotinning ota-onasi, tug‘ishgan va o‘gay aka-uka va opa-singillari.

## MANFAATLAR TO‘QNASHUVINI BOSHQARISH

Universitet xodimlari o‘z xizmat vazifalarini **halol va vijdonan** bajarishi, **o‘z shaxsiy manfaatlaridan** kelib chiqib, **Universitetning mol-mulki va (yoki) xizmat mavqelaridan foydalanmasliklari talab etiladi.**

Universitet xodimlari xizmat vazifalarini bajarish bilan bog‘liq har qanday sovg‘alar (**rag‘bat vositalari, kafolatlar, mukofotlar, pul mablag‘lari, moddiy qimmatliklar, kriptovalyutalar**)ni qabul qilishi taqiqilanadi.

**Rasmiy delegatsiyalar** tarkibida, shu jumladan **xorijiy safarlardagi rasmiy tadbirlarda** Universitet xodimlari tomonidan olingan **har qanday sovg‘alar summasi va shaklidan qat’iy** nazar **UNIVERSITET EGALIGIGA O‘TKAZILADI.**

## **KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH TIZIMINING ELEMENTLARI**

Universitet xodimlari **fuqarolar** (yuridik shaxslar) bilan munosabatlarda:

- **halollik, adolatlilik va insoflilik** kabi xulq-atvor namunasini ko‘rsatish bilan birga, o‘zlarida **korruption harakatlarga toqatsizlik** munosabatini shakllantirishi lozim.

### **Huquqbezarlikka qarshi kurash va aybdor shaxslarni javobgarlikka tortish**

**Antikorrupsion talablarni** buzgan Universitet xodimlari:

- O‘zbekiston Respublikasi **qonunchiligidagi belgilangan** tartibda va asoslarda;
- **intizomiy, ma’muriy yoki jinoiy javobgarlikka** tortiladilar.

Universitet xodimlari **o‘z rahbarini yoxud huquqni muhofaza qilish organlarini:**



**ularni huquqbezarliklar sodir etishga og‘dirish** maqsadida biror-bir shaxslarning qilgan murojaatlarining barcha holatlari to‘g‘risida;

**xabardor qilishi shart.**



**boshqa davlat xizmatchilari tomonidan sodir etilgan huquqbezarliklarning** o‘zlariga ma’lum bo‘lgan har qanday holatlari haqida

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI**

**KORRUPSIYAGA QARSHI KURASH BO'YICHA  
SIYOSAT**

Mazkur siyosatning talablari **egallab turgan lavozimi** va **bajaradigan vazifa** va **funksiyalaridan qat'iy nazar** Universitet va tarkibiy tuzilmalar bilan mehnat munosabatlarida bo'lgan **barcha xodimlarga tatbiq etiladi.**



Universitetga ishga qabul qilinayotgan **har qanday shaxs** ushbu siyosat bilan imzo qo'ygan holda tanishishga va uning **qidalariga rioya qilishga majbur**.

**Universitetning korrupsiyaga qarshi kurashish prinsiplari:**

**Qonuniylik** - Universitet va tarkibiy tuzilmalarida korrupsiyaga qarshi kurashish chora tadbirlari O'zbekiston Respublikasi qonunchiligi talablari, davlat boshqaruvi organlarida korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha **jahonda tan olingan amaliyotni** hisobga olgan holda hamda Universitet tizimining belgilangan ichki hujjalariiga muvofiq amalga oshiriladi;



**Korrupsiyaga toqatsizlik** – Universitet o'z faoliyatining barcha sohalarida korrupsiyaning har qanday shakllari va ko'rinishlariga **murosasiz munosabatda** bo'ladi.

## Ochiqlik va shaffoflik

Universitet tizimida korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida qabul qilingan va amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar haqida **xodimlarni** hamda **keng jamoatchilikni** xabardor qilish.



## Universitetning tarkibiy tuzilmalarida korrupsiyaga qarshi kurashishning asosiy elementlari

- ✓ Korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha asosiy ichki hujjatlarni **siyosat va odob-axloq** qoidalari tashkil etadi;
- ✓ Yuqori darajada **rahbarlik namunasi**: Universitet tarkibiy tuzilmalari rahbarlari **o'ziga bo'ysunuvchilar, fuqarolik va yuridik shaxslar** bilan munosabatda **halol, adolatli va mustaqil xulq-atvor** namunasi bo'lishlari kerak;
- ✓ Universitet tarkibiy tuzilmalari faoliyatining korrupsiyaga qarshi kurashishning samarali tizimni yaratish va amalga oshirishda quyidagilar orqali **yetakchilikni namoyish etadi**:
- ✓ Universitet tarkibiy tuzilmalari faoliyatining **xavf-xatarga** ega fuksiyalariga korrupsiyaga qarshi kurashish samarali chora-tadbirlarni **joriy etadi**, shu jumladan, korrupsiyaga qarshi kurashish dasturi **yo'l xaritasini** ishlab chiqadi va uning **ijrosini nazorat qilish** orqali ko'maklashadi;
- ✓ O'z mansab majburiyatlarini bajarish doirasida qolgan xodimlarida korrupsiyaning **barcha shakllari va ko'rinishlariga murosasiz**



**munosabatni** shakllantirgan xolda korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha **qonunchilik normalari** va qabul qilingan **ichki hujjatlarga** rioya qiladi hamda axloqiy xulq-atvor yuzasidan **shaxsan namuna** sifatida namoyon bo'ladi.

## ISH JARYONIDAGI SOVG'ALAR

Universitet xodimlariga ularning **shaxsi bilan bog'liq bayramlar:** (**tug'ilgan kun, bola tug'ilishi, Vatan himoyachilari kuni, xotin-qizlar kuni**)da berilgan, **xizmat majburiyatlarini bajarishi** bilan bog'liq bo'lмаган sovg'alar **xodimning shaxsi bilan bog'liq sovg'alar** deb tan olinadi.

Bunday sovg'alarmi berishda quyidagi  
**talablarga rioya qilish lozim:**

- ✓ Sovg'alar Universitet, tarkibiy tuzilmalarining kamida **uch nafar xodimlari ishtirokida** berilishi;
- ✓ Sovg'a berish jarayoni **tabrik nutqi** bilan birga bo'lishi, unda sovg'a berishga **sabab bo'lgan voqeа** o'zining aniq ifodasini topgan bo'lishi;
- ✓ Sovg'aning umumiy qiymati (**barcha soliqlar va yig'imlarni hisobga olgan xolda**) **5 (besh)** baravar bazaviy hisoblash miqdoridan oshmasligi lozim.



## Korrupsiyaga qarshi kurashish uchun mas'ul shaxslar va bo'limlalar:

Universitetda korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha samarali tizimni yo'lga qo'yish maqsadida **Komplayens nazorat va korrupsiyaga qarshi kurashish bo'limi** tashkil etilgan.

Bo'lim korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha vazifalarni amalga oshirishda yetarli darajada **mustaqillikka va muhim resurslarga** ega bo'lib, bevosita **UNIVERSITET REKTORIGA** bo'ysunadi va o'z faoliyatini **Nizomga** muvofiq amalga oshiradi;



Universitet tarkibiy tuzilmalarida korrupsiyaga qarshi kurashishga oid **qonunlar, milliy kengash qarorlari** va boshqa **me'yoriy hujjatlar**, shuningdek, **Universitet hay'ati qarorlari** va **buyruqlariga** rioya etilishi ustidan nazorat olib boriladi.

## Xodimlarni tanlash, lavozimdan lavozimga o'tkazish, moddiy rag'batlantirish:

Universitetda **xodimlarni tanlash**, ularni **attestatsiyadan o'tkazish** va **faoliyatini baholash**, shu jumladan **mukofot pullarini to'lash, ustama haqlar** va boshqa turdagи **mukofotlarni belgilash** jarayoni barcha xodimlar uchun **shaffof, teng va xolis** bo'lib, ushbu siyosatning **asosiy tamoyillari** va **talablariga muvofiq** keladi.

Universitet xodimlarini **mukofotlashga asos bo'lib xizmat qiladigan**, ularni faoliyatining asosiy ko'rsatkichlarini **baholash tartibi va mezonlari ishlab chiqilgan**.



## Vijdonlilik va halollik tamoyillariga amal qilish!!!

Universitet xodimlari o‘z xizmat majburiyatlarini bajarish chog‘ida:

- ✓ **vijdonlilik va halollik tamoyillariga** amal qilishi;
- ✓ **xizmat mavqeidan shaxsiy manfaatlarini ko‘zlab** ish tutmasligi lozim.



### Universitet xodimlari ishga qabul qilinishida, boshqa lavozimga o‘tkazilishida:

- **manfaatlar to‘qnashuviga olib keladigan;**
- yoki **olib kelishi mumkin bo‘lgan**

shaxsiy manfaatdorligi haqidagi ma’lumotlarni **har yili** va tegishli vaziyatlar holatlar yuzaga kelishiga qarab, **oshkor qilishga majbur hisoblanadi**.

Korrupsiyaga qarshi chora-tadbirlar va tartib-taomillar bilan bog‘liq bo‘lgan **har qanday savollar** bo‘lsa:

Universitetning **Komplayens nazorat va korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘limiga** murojaat qilishlari mumkin.



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**  
**TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI**  
**KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH VA ODOB-AXLOQ**  
**QOIDALARI**



**Qoidalari:**

- korrupsiya va huquqbuzarliklarning **oldini olishga**;
- ular **sodir etilishining sabab va shart-sharoitlarini bartaraf etishga**;
- davlat xizmatchilarini yuksak huquqiy **onglilik**;
- **O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, qonunlari** va boshqa normativ-huquqiy hujjatlariga qat'iy rioya qilishga;
- fuqarolarning **huquq va erkinliklarini** ta'minlashga yo'naltirilgan.

Xodimlar barcha **qonun hujjatlari va qoidalari** talablariga rioya etishlari shart.

Qoidalarga rioya etish xodimlarning **kasbiy faoliyatini** va **xizmatdagi xulq-atvorini baholash mezonlaridan** biri hisoblanadi.

**Ishga kirayotgan shaxslar** Korrupsiyaga qarshi kurashish va axloq-odob qoidalari bilan **imzo** qo'ydirgan xolda tanishtiriladilar.

**Xodimlarning majburiyatları**

Xizmat vazifalarini bajarishda davlat **prinsiplari va talablariga qat'iy rioya** etish;

- o'z xizmat vazifalarini **vijdonan, yuksak kasbiy** darajada bajarish;
- yuqori davlat **organlari va mansabdor shaxslarning** o'z vakolatlari doirasida qabul qilgan qarorlarni o'z vaqtida sifatli bajarish;



- o‘z faoliyatini qonun hujjatlari va ichki hujjatlarda belgilangan **lavozim vakolatlari doirasida amalga oshirish;**
- normativ huquqiy hujjat va idoraviy hujjatlarda belgilangan **cheklashlar va taqiqlarga** rioya qilish, o‘z xizmat vazifalarini **og‘ishmay bajarish;**
- xizmat mavqeidan **davlat organlari**, boshqa **tashkilotlar**, ularning **mansabdar shaxslari**, shuningdek **fuqarolar faoliyatiga noqonuniy ta’sir ko‘rsatish uchun foydalanmaslik;**
- sohada **korrupsiyaga nisbatan murosasiz** munosabatni shakllantirish;
- korrupsiyaga **qarshi kurashish va uning oldini olishga** doir chora-tadbirlarni amalga oshirish.



### **Universitet xodimlarining xizmatdagi xulq-atvorining asosiy prinsiplari va qoidalari**

- Universitet xodimlari korrupsiya holatlariga **qarshi kurashishi va ularning profilaktikasiga faol ko‘maklashishi shart.**

- Universitet xodimlari o‘z rahbarlarini yoxud huquqni muhofaza qilish organlarini ularni huquqbazarliklar sodir etishga **og‘dirish maqsadida** biror-bir shaxslarning qilgan murojaatlarining holatlari to‘g‘risida, shuningdek boshqa xodimlar tomonidan sodir etilgan huquqbazarliklarning **o‘zlariga ma’lum bo‘lgan har qanday** holatlari haqida xabardor qilishlari shart.
- Universitet xodimlarining kasbiy faoliyati davomida o‘zlariga ma’lum bo‘lgan axborotning **saqlanishini va maxfiyligini** ta’minlash yuzasidan **barcha choralarini ko‘rishlari shart**, ularning **oshkor etilganligi** uchun ular qonun hujjatlarida belgilangan tartibda **javob beradilar**.



- Rahbar o‘ziga bo‘ysunuvchi xodimlarga nisbatan yuqori **professionalizm, soflik va adolatda o‘rnak bo‘lishi**, davlat organida yoxud uning tarkibiy yoki hududiy bo‘linmasida **ma’naviy psixologik muhit shakllanishiga** ko‘maklashishi lozim.
- Rahbar o‘ziga bo‘ysunuvchi xodimlardan ularning xizmat vazifalari doirasidan **chiqib ketadigan** topshiriqlarni bajarishini **talab qilmasligi**, shuningdek **qonunga xilof** xatti-harakatlarni sodir etishga **undamaslik kerak**.
- **Rahbar** kadrlarni **qarindoshlik, hamshaharlik yoki shaxsiy sadoqat** belgilari bo‘yicha **tanlash va joy-joyiga** qo‘yish holatlariga yo‘l qo‘ymasligi zarur.



- Shuningdek, **rahbar** **guruhbozlik, mahalliychilik, favoritizm ko‘rinishlari**, shuningdek o‘z xizmat vazifalarini bajarish jarayonida boshqa **salbiy omillarning** qat’iy ravishda **oldini olishi lozim**.
- Universitet xodimlari o‘zlarining xizmat vazifalariga bo‘lgan munosabati bilan **jamoada ishchanlik, o‘zaro xayrixohlik va amaliy hamkorlik** muhitini qaror toptirishlariga intilishlari kerak.
- Universitet xodimlari:
  - **xushmuomala;**
  - **iltifotli;**
  - **odobli;**
  - **e’tiborli;**
  - **fuqarolar va hamkasblari** bilan o‘zaro munosabatda **sabr- toqatli** bo‘lishi, ularni **hurmat qilishi shart**.
- Universitet xodimlari o‘ziga bo‘ysunuvchilarga va fuqarolarga nisbatan:
  - **qo‘pollik qilmasligi;**
  - **odamlarning sha’ni va qadr-qimmatini kansitmasligi;**
  - **ularga asossiz psixologik va jismoniy ta’sir ko‘rsatish holatlariga yo‘l qo‘ymasligi** kerak.
- Universitet xodimlari xizmatdan tashqari vaqtda:
  - umumiy qabul **qilingan odob-axloq normalariga** rioxasi etishlari;
  - **g‘ayri ijtimoiy xatti-harakatlarga** yo‘l qo‘ymasligi kerak.





- Universitet xodimlari o‘z xizmat vazifalarini bajarishda manfaatlar to‘qnashuviga sabab bo‘ladigan **shaxsiy manfaatdorlik holatlariga** yo‘l qo‘ymasliklari kerak.
- Universitet xodimlari manfaatlar to‘qnashuvi bilan bog‘liq **tadbirkorlik faoliyati bilan** shug‘ullanishi taqiqlanadi.

### **Korrupsiyaga qarshi kurashish va odob-axloq qoidalarini buzganlik uchun javobgarlik**

- Korrupsiyaviy holatlar yoki boshqa huquqbuzarlik sodir etganlik qonun hujjatlariga muvofiq **javogarlikka sabab bo‘ladi**;
- korrupsiyaviy holatlar yoki boshqa huquqbuzarliklar sodir etgan shaxslar **sudning qaroriga ko‘ra muayyan huquqlardan**, shu jumladan muayyan lavozimlarni egallash huquqidan qonunga muvofiq tarzda **maxrum etilishi mumkin**;
- xodimlar tomonidan qoidalarga rioya etilishi **attestatsiyalar** o‘tkazishda, yuqori va boshqa **lavozimlarga** tavsiya etish uchun kadrlar zaxirasini shakllantirishda, **taqdirlash yoki mukofotlarga** tavsiya etishda hisobga olinadi;
- qoidalarda nazarda tutilgan **normalarning buzilishi** maxsus tarkibiy bo‘linma mavjud bo‘lmagan taqdirda, tegishli bo‘linmalar xodimlari odatda **5-11** kishidan iborat tarkibda tuziladi.



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI**

**ODOB-AXLOQ VA KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH  
BORASIDA O'QITISHNI TASHKIL ETISH BO'YICHA  
USLUBIY KO'RSATMALAR**



Uslubiy ko'rsatmalar korrupsiya harakatlarining oldini olishga va ularning sodir etilishiga olib keladigan sabablarni bartaraf etishga, Universitet xodimlarini O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga va Universitet tizimining ichki hujjatlariga **qat'iy rиoya qilish ruhida tarbiyalashga qaratilgan.**

**Universitet tizimi xodimlarini korrupsiyaga qarshi o'qitish dasturlari va materiallari mazkur hujjatga muvofiq ishlab chiqilishi kerak.**

**O'qitish turlari va shakllari**

- **Odob-axloq va korrupsiyaga qarshi kurashish** bo'yicha o'qitish quyidagi o'quv dasturlarini o'z ichiga olishi kerak:
- Universitet xodimlarini odob-axloq qoidalari bo'yicha **umumiyl o'qitishga mo'ljallangan o'quv mashg'ulotlari;**
- Barcha xodimlarni korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha o'qitishga **mo'ljallangan o'quv mashg'ulotlari;**

- Korrupsiya xavfiga ko‘proq moyil bo‘lgan lavozimlarni egallovchi xodimlarni korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha o‘qitishga mo‘ljallangan **maxsus o‘quv mashg‘ulotlari**;
- Universitet tizimidagi korrupsiyaga qarshi kurashish **tizimining ishlashiga va rivojlanishiga mas’ul bo‘lgan xodimlarni** korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha o‘qitishga mo‘ljallangan **maxsus o‘quv mashg‘ulotlari**.



### O‘quv mashg‘ulotlarini o‘tkazish vaqtleri va davriyligi

**Universitet tizimi xodimlari quyidagi holatlarda yiliga 1-martadan ortiq korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha o‘quv mashg‘ulotlarida qatnashishi kerak:**


- Xodim korrupsiya xavfiga ko‘proq moyil bo‘lgan **lavozimda faoliyat yuritsa**;
- Lavozimga **tayinlanish va rotatsiyadan** so‘ng, agar shaxsning yangi lavozimi korrupsiya xavfiga ko‘proq moyil bo‘lgan **lavozimlar ro‘yxatiga kirsa**;
- Universitet tizimida korrupsiya harakatlarining ro‘y berishi holatlari yoki bajarilayotgan ishlar jarayonlarning **korrupsiya xavfi darajasi oshgani aniqlanganda**;
- O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi, uning o‘rinbosarlari hududiy boshqarmalari va tasarrufidagi markazlar va muassasalar **rahbarlarini qarori** bilan.

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI**

**XIZMAT JARAYONIDA MANFAATLAR TO'QNASHUVINI  
TARTIBGA SOLISH QOIDALARI**

**Umumiy qoidalari**

- Qoidalari turli **salbiy holatlarning** oldini olishga, ular sodir etilishining sabab va shart-sharoitlarini bartaraf etishga, davlat xizmatchilarini yuksak huquqiy **onglilik**, **O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, qonunlari va boshqa normativ-huquqiy hujjatlariga** qat'iy rioya qilishga yo'naltirilgan;
- Xodimning qoidalarga amal qilish majburiyati Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligiga **ishga qabul qilingan kundan e'tiboran vujudga** keladi.



**Xodimlar quyidagi huquqlarga ega**

- Qarama-qarshilik predmeti bo'lishi mumkin bo'lgan masalalar bo'yicha axborotni **Universitet rahbariyatiga** taqdim qilish;
- tashkilotda **salbiy yoki haqiqatga to'g'ri kelmaydigan** axborotning paydo bo'lishiga sabab bo'lgan barcha faktlarga munosabat bildirish.

**Universitet xodimlarining qoidalarni buzganligi uchun javobgarligi**

- Xodimlar tomonidan **qoidalarning buzilishi** uning qonun hujjatlarida belgilangan tartibda **javobgarlikka** tortish uchun asos bo'ladi;

➤ Xodimlar tomonidan **qoidalarga** rioya etilishi, **attestatsiyalar o‘tkazishda, yuqori va boshqa lavozimlarga tavsiya etish** uchun kadrlar zaxirasini **shakllantirishda, taqdirlash yoki mukofotlarga** tavsiya etishda hisobga olinadi;

➤ Qoidalarda nazarda tutilgan normalarning **buzilishi** tegishli tarkibiy bo‘linma yoki Universitet rahbariyati tomonidan ko‘rib chiqiladi.



### Manfaatlar to‘qnashuvini boshqarish

Universitet xodimlari:

- o‘z **xizmat majburiyatlarini** bajarish va **tashkilot manfaatlarini ifodalash** doirasida **vijdonlilik va halolik tamoyillariga** amal qilishi;
- **shaxsiy manfaatlarini** hisobga olgan xolda o‘zlarining **xizmat mavqeidan** va tashkilotning **mol mulkidan foydalanmasligi**;
- manfaatlar to‘qnashuviga olib keladigan **vaziyatlardan saqlanishlari lozim**.

Xodimlarni:

- **ishga qabul qilishda;**
- **boshqa lavozimga o‘tkazishda** manfaatlar to‘qnashuviga **olib keladigan** yoki **olib kelishi mumkin bo‘lgan** shaxsiy manfaatdorligi haqida ma’lumotlarni **har yili**;
- tegishli **vaziyatlar yuzaga kelishiga qarab** oshkor qilishga **majburdirlar.**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI**

**MANFAATLAR TO'QNASHUVINI BOSHQARISH  
TO'G'RISIDAGI NIZOM**

Ushbu Nizom O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus, professional ta'lismuassasalarida manfaatlar to'qnashuvini **aniqlash, oldini olish va hal qilish tartibini** belgilaydi.

Ushbu nizom talablari Universitet tizimining **barcha xodimlariga** ularning egallab turgan lavozimi va xizmat vakolatlaridan **qat'iy nazar qo'llaniladi**.



**Mas'ul tarkibiy bo'linmalar xodimlarining  
majburiyatlari va vakolatlari**

**Universitet xodimlari** xizmat majburiyatlarini bajarishda yoki Universitet manfaatlarini ifodalashda:

- ushbu Nizomda **belgilangan tamoyillarga amal qilishlari;**
- **manfaatlar to'qnashuviga** olib keladigan **vaziyatlardan o'zlarini saqlashlari lozim.**

**Xizmat vazifalarini bajarishda manfaatlar to'qnashuvining oldini  
olish uchun Universitet xodimlari:**

**Potensial yoki haqiqiy** manfaatlar to'qnashuvi haqidagi ma'lumotlarni o'z vaqtida va to'liq oshkor qilishi;

O'z xizmat mavqeidan **faqat Universitet manfaatlarida** foydalanishi;  
**Faqat Universitet** manfaatlarini ko'zlashi;

Universitetning manfaatlariga **zid keladigan** yoki **zid kelishi mumkin bo'lgan** shaxsiy manfaatlar to'g'risida Universitetni xabardor qilishi lozim.

**Manfaatlar to'qnashuvi to'g'risidagi ma'lumotlarni**

## **oshkor qilish va ko‘rib chiqish tartibi:**

→ Universitet tizimida **vakant bo‘lgan bo‘sh ish joylariga** nomzodlarni **lavozimga tayinlash va rotatsiya** qilishda manfaatlar to‘qnashuvini **dastlabki tarzda oshkor qilish**;



→ Manfaatlar to‘qnashuvi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni **oshkor qilish, potensial yoki haqiqiy manfaatlar to‘qnashuvi fakti** bo‘yicha ma’lumotlarni oshkor qilish.

→ Universitet xodimlarining manfaatlar to‘qnashuvini **oshkor qilish** va **hal qilishga** oid asosiy vazifalari

→ Ish masalalari bo‘yicha qaror qabul qilish va o‘z xizmat vazifalarini bajarishda tashkilot manfaatlaridan kelib chiqish, **shaxsiy manfaatlar, o‘z qarindoshlari va do‘stlarining manfaatlarini hisobga olmaslik** ;

→ Manfaatlar to‘qnashuviga olib keladigan **holat va sharoitlardan saqlanish**;

→ Yuz bergan va yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan manfaatlar to‘qnashuvi **holatini oshkor qilish**;

→ Yuzaga kelgan manfaatlar to‘qnashuvini **hal etishga ko‘maklashish**.

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**  
**TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI**

**KORRUPSION VA BOSHQA TURDAGI  
HUQUQBUZARLIKLAR BO'YICHA XABAR BERISH TARTIBI  
TO'G'RISIDAGI  
NIZOM**

Universitet xodimlari korruption va boshqa turdagি huquqbazarliklar to'g'risida xabar berish tartibi:

- korruption va boshqa turdagи huquqbazarliklarga oid **xabarlar** quyidagi **mas'ullar** va **tuzilmalar** hamda aloqa kanallari orqali beriladi;
- Oliy va o'rta maxsus ta'lrim vaziri va uning o'rindbosarlariga **og'zaki va yozma** shaklda;



- Oliy va o'rta maxsus ta'lrim vazirligining **@vazirga\_takliflar\_bot** telegram boti va **71-207-18-43, 71-207-03-41** telefon raqamlari orqali;
- **@anticoredu** telegram boti ;
- Termiz davlat Universiteti korrupsiya qarshi kurashish

“Komplayens nazorat” tizimini boshqarish bo'limi telefon raqamlari:

- - (76) 228-01-20-ishonch telefoni
- (98) 775-77-58 - bo'lim boshlig'i Devonov U.M.
- (91) 575-20-01 -
- (93)799-01-01 - bosh mutaxassis Mansurov A.F.
- **Telegram kanali: [https://t.me/TerDUantiCorruption\\_bot](https://t.me/TerDUantiCorruption_bot)**

- Elektron pochta: [ulugbekdevonov67@gmail.com](mailto:ulugbekdevonov67@gmail.com)
- Universitet va uning tarkibiy tuzilmalarining rasman **vebsaytlarida** joylashtirilgan shakllar orqali;
- to‘g‘ridan-to‘g‘ri **huquqni muhofaza qilish organlariga**;
- aloqa kanallari orqali kelib tushgan **barcha xabarlar** O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari va Universitetning ichki idoraviy hujjatlariga muvofiq **xolisona va o‘z vaqtida** ko‘rib chiqiladi;
- ijtimoiy tarmoqlarda berilgan, **anonim** tarzida berilgan, shuningdek **huquqbazarlik sodir etayotgan shaxs** haqidagi ma’lumotlar aniq ko‘rsatilmagan xabarlar **huquqiy ahamiyatga ega bo‘lmaydi** va ushbu ma’lumotlarga tegishli tartibda Universitet va tarkibiy tuzilmalarining **ichki tartib qoidalari asosida baho** beriladi.



### **Korrupsion va boshqa turdagи huquqbazarliklar to‘g‘risidagi xabarga qo‘yilgan talablar**

- Huquqbazarlik to‘g‘risida berilayotgan xabarda quyidagi **ma’lumotlar** aks ettirilishi shart:
- xabar muallifining **F.I.Sh, lavozimi**;
- shaxsning murojaat qilishi uchun unga ma’lum bo‘lgan **holatlarning tavsifi (sana, joy, vaqt va boshqa holatlar)**;
- korrupcion yoki boshqa huquqbazarlik turi va ushbu huquqbazarlikni sodir etgan shaxs to‘g‘risidagi **aniq** ma’lumotlar;
- murojaat qilingan **sana**;

- murojaatchining **telefon raqami**;
- murojaat etuvchi o‘z murojaatiga asos bo‘ladigan **boshqa hujjatlarni ham qo‘sib** taqdim etishi mumkin.

### **Korrupsion va boshqa turdagи huquqbuzarliklar to‘g‘risidagi xabarlarni rasmiylashtirish tartibi**

Korrupsion va boshqa turdagи huquqbuzarliklar haqidagi xabarlar va boshqa turdagи huquqbuzarliklar **qayd etish daftarida ro‘yxatga** olinadi.

Xabarlarni qayd etish daftari Universitetning markaziy apparatida korrupsiyaga **qarshi kurashish** va **“komplayens nazorat”** tizimini muvofiqlashtirishga mas’ul bo‘limi xodimlari tomonidan yuritiladi.

Xabarlarni qayd etish daftari varaqlariga **nomer qo‘yilib** Universitet markaziy apparatida **vazir tomonidan** imzolanadi.

Arizachi **yolg‘on xabar** bergenlik hamda **tuhmat** qilganlik uchun belgilangan tartibda **jinoiy hamda ma’muriy javobgarlik** haqida ogohlantiriladi.

### **Korrupsion va boshqa turdagи huquqbuzarliklar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni mas’ullarga yetkazish va xizmat tekshiruvi o‘tkazish tartibi hamda muddatlari**

- Huquqbuzarliklar to‘g‘risidagi xabarlar **mas’ul xodimlar** tomonidan Universitet rahbariyatiga **zudlik bilan** ma’lum qilinadi;



- agar mazkur masala yuzasidan avval ham ariza kelib tushgan bo‘lib ushbu murojaatdagi **holatlar** o‘z tasdig‘ini **topmagan bo‘lsa**, arizani **rad etish** to‘g‘risida;
- xabar tegishli tartibda ko‘rib chiqilgandan keyin natijasiga ko‘ra quyidagi **qarorlardan biri** qabul qilinadi;
  
- xabar yuzasidan **xizmat tekshiruvi** o‘tkazish to‘g‘risida xabarlardagi huquqbazarliklar holatidan kelib chiqib, **huquqni muhofaza qiluvchi organlarga taqdim etish** to‘g‘risida;
  
- Universitet **rahbarining topshirig‘iga** ko‘ra xizmat tekshiruvi o‘tkaziladi;
  
- xizmat tekshiruvi natijasi huquqbazarlik sodir etilganligi fakti aniqlanganda Universitet rahbariga **ikki ish kuni** ichida bu haqida xabar beriladi;
  
- ariza kelib tushgan kundan **e’tiboran o’n besh kun** ichida, qo‘srimcha o‘rganish talab etilganda **bir oy** muddatda ko‘rib chiqiladi.



### **Xizmat tekshiruvi natijalari yuzasidan yozma xulosa tayyorlanib unda quyidagilar ko‘rsatiladi**

- Taqdim etilgan ma’lumotlar yuzasidan **o‘rganish natijalari**;
- murojaatni **tasdiqlovchi yoki rad etuvchi** asoslar;
- murojaat yuzasidan ko‘rilgan **ta’sir choralar**;
- murojaat yuzasidan aniqlangan **sabab va sharoitlar** yuzasidan amalga oshiriladigan **aniq chora-tadbirlar**;
- xabarlarni ko‘rib chiqish natijalari bo‘yicha **arizachiga javob xati** yuboriladi.

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI**


**UNIVERSITETGA ISHGA QABUL QILINAYOTGAN  
NOMZODLARNI TEKSHIRISH BO'YICHA YO'RIQNOMA**

**Yo'rqnoma dan ko'zlangan maqsadlar:**

- Nomzod tomonidan taqdim etilgan, uning **professional faoliyati, boshqa jismoniy va yuridik shaxslar bilan qarindoshlik va tijorat aloqalari haqidagi** ma'lumotlarni tekshirish;
- O'zbekiston Respublikasi qonunchiligi hamda Universitetning ichki hujjatlari talablariga muvofiq o'ziga yuklatilgan vazifalarni **halol, sifatli, xolis amalga oshirishga** qodir jismoniy shaxslar bilan mehnat munosabatlarini rasmiylashtirishga erishilishini ta'minlash;
- Universitet tizimida lavozim majburiyatlarini bajarish uchun **yetarli bilim va tajribaga ega bo'lмаган huquqbazarliklar sodir etishga moyil** bo'lgan, shuningdek ularni ishga olish **obro', korrupsiyaga oid yoki boshqa xatarlarga olib keluvchi nomzodlar bilan mehnat munosabatlariga kirishish xatarini** minimallashtirish;
- Rahbarlik va moddiy javobgarlik bilan bog'liq lavozimlarga **bilimli, halol, vijdonli, qonunga itoatkor** xodimlarni tanlab olish.



## Ishga qabul qilinayotgan nomzodlarni tekshirishga qo‘yilgan umumiyl talablar va ularning muddatlari




- Xodimlar hamda Komplayens nazorat va korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘limlari **nomzodlarni tekshirish uchun mas’ul** hisoblanadi;
- Tekshiruv barcha doimiy va muddatli lavozimlarga nomzodlar, shuningdek **fuqarolik-huquqiy shartnomalar** bo‘yicha qabul qilingan nomzodlarga nisbatan amalga oshiriladi.

- Agar xodimlarni tanlab olish O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi davlat xizmatini rivojlantirish agentligi (keyingi o‘rinlarda-DXRA) tomonidan amalga oshirilsa, nomzodlarni tekshirish, nomzod qabul komissiyasi bayonnomasi bilan tasdiqlangandan so‘ng, biroq **mehnat shartnomasi tuzilmasidan oldin** amalga oshiriladi;
- Agar nomzodlarni tanlab olish DXRA ishtirokisiz amalga oshirilsa, u holda ishga qabul qilinayotgan nomzod **professional tanlov va (yoki) testdan muvaffaqiyatli o‘tgach, biroq mehnat shartnomasi tuzilmasdan avval** tekshiriladi;
- Nomzodni tekshirish **5 (besh) ish kunigacha** bo‘lgan muddatda amalga oshiriladi;
- Nomzodni belgilangan muddatlarda tekshirish uzrli sabablarga ko‘ra imkonsiz bo‘lsa, uning **davomiyligi 5 (besh) ish kunigacha** bo‘lgan muddatga **uzaytirilishi** mumkin.



## Ishga manbalari joylashayotgan nomzodlarni tekshirish uchun axborot



Maʼlumotlarni yigʼish ishga joylashayotgan nomzod haqidagi **umumiyl** va **xolis** fikrni shakllantirish, nomzoddan olingan, jumladan maʼlumotnomada qayd etilgan, nomzodning <https://vacancy.argos.uz> saytidagi shaxsiy profilidagi hujjatlar va maʼlumotlar **ishonchliligin** baholash, shuningdek oʻzi haqidagi maʼlumotlarni yashirish yoki soxtalashtirish alomatlari yoʼqligini **tahlil qilish** uchun barcha ochiq axborot manbalaridan foydalangan holda amalga oshiriladi

### Tekshiruvni rasmiylashtirish va hujjatlarni saqlash muddatlari

- Nomzodni tekshirish **konfidensial xarakterga ega** va Universitet tizimining tanlov jarayonida hamda nomzodni va boshqa **uchinch shaxsni tekshirishda qatnashmagan** xodimlarga oshkor etilishi mumkin emas;
- Ishga qabul qilingan taqdirda, nomzodni tekshirish natijalari xodimning shaxsiy hujjatlarida Oʻzbekiston Respublikasi qonunlarida belgilangan **muddat va tartibda** saqlanishi kerak.



# БИЗ ТАЪЛИМДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ



# ФАРЗАНДИНГИЗНИ БОҒЧАГА ЖОЙЛАШТИРАЁТГАНИНГИЗДА...

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартағи “Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурӣ регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 244-сонли қарорига асосан болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштиришга йўлланма олиш учун, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) орқали мурожаат қиласидилар.

- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг болалари;
- кўп болали оиласларнинг болалари;
- етим болалар ёки ота-онасининг қаровисиз қолган болалар;
- «Аёллар дафтиари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёлғиз аёлларнинг болалари;
- контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг ва ички ишлар органлари ходимларининг болалари;
- талабалар ва педагогларнинг болалари;
- акалари ёки опалари ушбу муассасанинг тарбияланувчилари жумласидан бўлган болалар;
- кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлардан умумий турдаги мактабгача ташкилотларга ўтказилаётган соғайган болалар.

Йўлланмалар ташкилотларда ўринлар бўшаган куни навбатга мувофиқ расмийлаштирилади. Бунда имтиёзли рўйхатга киритилганлар бўйича йўлланмалар умумий рўйхатга киритилганларга нисбатан биринчи навбатда расмийлаштирилади.

Болаларни ташкилотга қабул қилиш бўйича йўлланмалар келиб тушган ёки тақдим этилган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида, белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Болаларни ташкилотга қабул қилиш бўйича давлат хизмати **бепул** амалга оширилади.

**МТТ раҳбари ёки бошқа шахс Сизга пул, ташкилот учун техника, ўйинчоқ ёки шунга ўхшаш маълум бир хизмат эвазига, навбатсиз жойлаштиришни таклиф этса....**

**БИЛИНГКИ У СИЗДАН  
ПОРА ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА.**


# АГАР ФАРЗАНДИНГИЗ МАКТАБГА БОРАЁТГАН БЎЛСА...

Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамасининг**  
**2017 йил 15 мартағи 140-сонли қарори билан тасдиқланган**  
**Умумий ўрта таълим түғрисидаги низомга** асосан мактаб  
 ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш туман  
 (шаҳар) ҳокимликларининг қарори билан умумтаълим  
 муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) доирасида  
 умумтаълим муассасаси педагог ҳодимлари томонидан болаларни  
 бирма-бир (уйма-уй) рўйхатга олиш орқали амалга оширилади.  
 Умуман олганда бола Ўзбекистондаги ҳар қандай умумий ўрта  
 таълим мактабининг биринчи синфига бориш ҳуқуқига. Мактабга  
 биргина сабаб билан қабул қиласларни мумкин, яъни жой  
 бўлмаса. Ҳар бир мактаб биринчи навбатдаги ўз мирко ҳудудидаги  
 болаларни қамраб олганидан сўнг, агар жой қолса бошқа  
 ҳудудлардан ўқувчиларни қабул қиласи.

Мактаб раҳбарлари ёки бошқа шахслар  
 Сизга пул, муассаса учун проектор,  
 парда ёки бошқа шунга ўхшаш хизмат  
 эвазига мактабга жойлаштиришни  
 таклиф этса

Ўзбекистон  
 Республикаси  
 Конституцияси  
**41-модда**

**БИЛИНГКИ У СИЗДАН ПОРА  
 ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА.**



# АГАР СИЗ БОШҚА ЖОЙГА КҮЧАЁТГАН ВА **МАКТАБНИ** АЛМАШТИРАЁТГАН БҮЛСАНГИЗ....

Бу йил ўқув йили ўртасида ҳам амалга оширса бўлади. Ўзингиз кўчиб ўтаётган уйга энг яқин яъни яшаш жойида белигиланган миркоҳудудига кирадиган мактабга жойлаштиришнингиз лозим бўлади. Агар бу мактабда жой йўқлиги сабабли рад этилса туман халқ таълими бўлими томонидан энг яқин бўлган бошқа мактаблар таклиф этилиши лозим.

Мактаб раҳбари ёки бошқа шахслар томонидан мактабларда “умуман йўқ” деган баҳо билан Сиздан синф учун жиҳоз, ўқув қуроллари ёки бошқа нарсалар харид қилишни талаб қилса.....

**БИЛИНГКИ УЛАР СИЗДАН **ПОРА**  
ТАЛАБ ҚИЛИНМОҚДА.**

# МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЁКИ КОЛЛЕЖ ТАЛАБАСИ БҮЛГАН ФАРЗАНДИНГИЗ **ИМТИҲОН ТОПШИРАЁТГАН БЎЛСА.....**

Умумий ўрта таълим муассасаларидаги барча имтиҳонлар  
бепул. Синовларда қониқарли баҳо олган барча ўқувчилар  
иштирок этишига рухсат берилади.


Мактаб раҳбарлари ёки ўқитувчилари  
имтиҳонда ёрдам бериш учун, пул ёки бошқа  
нарса талаб қилишса

БИЛИНГКИ УЛАР СИЗДАН **ПОРА ТАЛАБ** ҚИЛИНМОҚДА.

## АГАР ТАЛАБА ФАРЗАДИНГИЗ ОЛИЙГОҲДА ИМТИҲОН ТОПШИРАЁТГАН БЎЛСА.....

Ўқув режаси ва имтиҳон ўтказиш  
бўйича мезонлар бор. Агар сиз  
ўқитувчи қандайдир рағбат  
илинжида талабларни  
кучайтираётганини билсангиз...

БИЛИНГКИ УЛАР СИЗДАН **ПОРА ТАЛАБ**  
ҚИЛИНМОҚДА.



# ХОРИЖИЙ ДИПЛОМИНГИЗНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАН ОЛИНИШИ УЧУН МУРОЖААТ ҚИЛГАНИНГИЗДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида” 620-сонли қарорига асосан хорижий дипломларни тан олиш бўйича аризалар фақат давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) орқали қабул қилинади.

Хорижий давлатларда ўрта маҳсус, касб-ҳунар, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари** миқдорида йиғим ундирилади.

*Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш қуйидаги ҳолларда **тўғридан-тўғри** (синовларсиз) амалга оширилади:*

- хорижий давлатларда умумий ўрта, ўрта, ўрта маҳсус, касб-ҳунар ва малака ошириш таълими олган талабгорларнинг хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари;
- Ўз Рес ҳудудида алоҳида бўлинмалари (филиаллари) ва қўшма таълим муассасалари фаолият юритаётган хорижий таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- Ўз Рес Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан рўйхати ҳар йили тасдиқланадиган халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (QS, THE , ARWU) рейтингида олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 ўринни эгаллаган хорижий ОТМларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- тизимида ОТМлари бўлган Ўз Рес вазирликлари ва идораларининг йўлланмалари асосида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун хорижий давлатлар томонидан ажратилган квоталар (грантла)<sub>2</sub> ҳисобидан таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

- 1992 йил 1 январгача хорижий таълим муассасалариға ўқишига кирган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- Олий таълимда сифатни кафолатлаш Европа ассоциациясининг (European Association for Quality Assurance in Higher Education) тұлақонлы аязолари — ваколатли ташкилоттар томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари, рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;
- Америка Қўшма Штатлари, Австралия Иттилоқи, Исройл Давлати, Канада, Сингапур Республикаси, Корея Республикаси, Япония давлатларининг ушбу давлатлар ваколатли ташкилотлари томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари, рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;
- хорижий олий таълим муассасаларида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун Ўз Рес вазирларлари ва идоралари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар.
- Шунингдек, эксперт комиссиялари томонидан ижобий хулоса берилган хорижий ОТМ дипломини тан олиш учун **фақатгина мутахассислик фанлари бўйича компьютерда тест синови бажарилади** ва натижа синов якунланган заҳоти экранда кўринади. Агар синовдан ўта олмасангиз қайта ариза берган ҳолда келгуси синовларда яна иштирок этишингиз мумкин.

**Агар кимдир Сизга моддий рағбат эвазига мазкур жараёнда ёрдам беришини, ҳужжатларни тезлаштириб беришни ёки бошқа бирон ёрдамини таклиф қилса.....**

**БИЛИНГКИ СИЗДАН ПОРА ТАЛАБ ҚИЛИШМОҚДА.** 2

# МАЛАКА ТОИФА УЧУН АТТЕСТАЦИЯ ТОПШИРИШ ЖАРАЁНИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 572-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ давлат хизматлари марказларига борган ҳолда ёки мустақил равишда Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд Таълим инспекцияси расмий веб-сайтидаги маҳсус портал орқали амалга оширилади.

Бунда:

- ✓ Низомнинг 2-иловага мувофиқ сўровнома
- ✓ Педагог кадрнинг таълим тўғрисидаги ҳужжати (хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни Ўзбекистон Республикасида тан олиш хақидаги гувоҳнома);
- ✓ Қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлиги хақидаги диплом нусхаси (агар мавжуд бўлса);
- ✓ Педагог кадрнинг педагогик маҳорати ва психолого-педагогик тайёргарлигини баҳолаш натижалари юзасидан маълумотнома топширилади.

Агар сиздан юқорида **кўрсатилган ҳужжатлардан ортиғини тақдим этишни талаб қилишаётган ва бунинг учун қандайдир ортиқча хизматлар таклиф этилаётган бўлса...**

**БИЛИНГКИ СИЗДАН ПОРА ТАЛАБ  
ҚИЛИШМОҚДА.**

# МАЛАКА ТОИФА УЧУН АТТЕСТАЦИЯ ТОПШИРИШ ЖАРАЁНИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўtkазиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 572-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ

- ✓ педагог кадрларни навбатдан ташқари аттестациядан ўtkазиш бўйича давлат хизматини кўrsatganлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Агар сиздан юқорида кўrsatилган миқдордаги йиғимдан ортиқ тўловни амалга оширишни талаб қилишаётган ва бунинг учун қандайдир ортиқча хизматлар таклиф этилаётган бўлса...

**БИЛИНГКИ СИЗДАН ПОРА ТАЛАБ  
ҚИЛИШМОҚДА.**

# ЭНДИ БИЗ **ПОРА** НИМАЛИГИ ҲАҚИДА БАТАФСИЛ АЙТИБ БЕРАМИЗ БЕРАМИЗ

**Пора олиш**, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берадиган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши.

Ўзбекистон Республикаси  
Жиноят кодексининг  
“Пора олиш” 210-моддасини  
албаттга ўқиб чиқинг

## **ПОРНИНГ ҚАНДАЙ КҮРИНИШЛАРИ БОР**



Пора эвазига оғдириб олиш, бунда пора берадиган ва олаётган ўртасида **аввалдан келишув** мавжуд бўлади.



**Миннадорчиллик пораси** бор, бунда пора мансабдор шахс томонидан **садир этиб бўлинганд** ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун (қонуний ёки ноқонуний) аввалдан келишувсиз берилади.

## ЯНА НИМА **ПОРА** ҲИСОБЛАНАДИ

Агар мансабдор шахсдан ташқари, унинг қариндошлари ва яқинларига пул, моддий қимматликлар берилган ёки моддий хизматлар кўрсатилган бўлса, шундай ҳолатда мансабдор шахс рози бўлиб, эътиroz билдиримай пора бераётган фойдасига ўзининг мансаб ваколатларидан фойдаланганда.

## ПОРА ҚАЧОН ОЛИНГАН ҲИСОБЛАНАДИ:

Одам уни жисмоний маънода қабул қилганда (қўлга олиб: чўнтакка, сумкага, жомадонга, автомашинага солганда).

Одам **унинг берилишига розилик билдирганд** (столга қўйиш, ҳисоб рақамга ўтказиш).

*Поралар ҳақида ҳаммаси  
Ўзбекистон Республикаси  
Жиноят кодексида:  
Ўзб. ЖК 210-модда  
"Пора олиш"  
Ўзб. ЖК 211-модда  
"Пора бериш"  
Ўзб. ЖК 212-модда  
"Пора олиш-беришда  
воситачилик қилиш"  
Ўзб. ЖК 213-модда  
"Давлат органининг, давлат  
иштирокидаги ташкилотнинг  
ёки фуқаролар ўзини ўзи  
бошқарии органининг  
хизматчисини пора эвазига  
оғдириб олиш"*

*Шунингдек:  
Ўзб. ЖК 214-модда  
"Давлат органи, давлат  
иштирокидаги ташкилот ёки  
фуқароларнинг ўзини ўзи  
бошқарии органи  
хизматчисининг қонунга хилоф  
равишида моддий қимматликлар  
олиши ёки мулкий манфаатдор  
бўлиши"  
Ўзб. ЖК 192.9-модда  
"Тижоратда пора эвазига  
оғдириб олиш"  
Ўзб. ЖК 192.10-модда  
"Нодавлат тижорат  
ташкилотининг ёки бошқа  
нодавлат ташкилотининг  
хизматчисини пора эвазига  
оғдириб олиш"*

# ДЕМАК, ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ХОДИМИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ СҮРАМОҚДА. СИЗНИНГ ҲАРАКАТЛАРИНГИЗ ?



## ПОРА БЕРМАНГ ВА ПОРА ТАКЛИФ ҚИЛМАНГ !

Акс ҳолда сиз ўзингиз жиноят содир этган бўласиз. (211-модда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси). Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш учун тамагирнинг талабларини охиригача тингланг .



Ўзингиз ёлғиз қолган пайтингиз зудлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилинг!



Агар сизда сухбат ёзишмаси бўлса, уни ҳуқуқни муфоза қилиш органларига тақдим этиш учун сақлаб қўйинг.



# ҚАЕРГА ҚҮНГИРОҚ ҚИЛИШ КЕРАК?

- 1007 – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ишонч телефони
- 1102 – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ишонч телефони
- 1006 – Таълим масалалари бўйича ягона ишонч телефони
- 1000 ёки 0-800-210-00-00 Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси
- +998 71 231-07-53 (1133) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси

# АРИЗА

## ёзишдан аввал .....

УНУТМАНГ,

Пора талаб қилинаётгани ҳақида уйдирма  
факт учун жиноий жавобгарлик белгиланади.

**Ёлғон хабар бериш** – жарима, ёки икки йилдан беш  
йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача  
озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар  
дадиллар сунъий тарзда яратилгани исботланса  
озодликдан маҳрум қилиш жазоси саккиз йилгача  
оширилиши мумкин.

Ўзбекистон  
Республикаси  
Жиноят кодексининг  
237-моддаси



# ТАМАГИРНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРИШ МУМКИН ?

Сиз ўзингизга яқин бўлган ички ишлар, прокуратура ёки давлат хавфизлик хизмати бўлимларига мурожаат қилиб **ариза ёзишингиз лозим**.

Жиноят ҳақида **оғзаки ёки ёзма** кўринишда мурожаат қилишингиз мумкин.



Жиноят ҳақидаги **ёзма аризага** имзо чекишингиз лозим.

Жавобни олиш учун яшаш манзили ва электрон почта манзилини кўрсатиб ўтинг.



**Оғзаки ариза** Сиз ва мурожаатни қабул қилаётган ходимлар томонидан имзоланадиган баённомага киритилади.

Баённомада Сиз, яшаш ва иш жойингиз, шунингдек шахсий ҳужжатларингиз тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Сизни Ўзбекистон Республикаси

Жиноят кодексининг

**237-моддасига** асосан ёлғон хабар бериш учун қўлланилиши мумкин бўлган жиноий жавобгарлик бўйича огоҳлантиришади ва бу ҳақида баённомада қайд қилинади.

Имзо чекинг



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

## 210-модда

-  Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши, —
-  базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Пора олиш:

- а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
- б) кўп миқдорда;
- в) тамагирлик йўли билан;
- г) бир грух мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, — беш йилдан ўн йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Пора олиш:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган грух манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, — ўн йилдан ўн беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

## 211-модда



Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгacha озодликни чеклаш ёхуд беш йилгacha озодликдан маҳрум қилиш билан<sup>17</sup> жазоланади.



### Пора бериш:

- а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
- б) кўп миқдорда содир этилган бўлса,  
— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



### Пора бериш:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, — ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

## 212-модда

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;



- а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
- б) кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;
- в) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда содир этилган бўлса, — беш йилдан ўн йилгacha озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



- Пора олиш-беришда воситачилик қилиш:
  - а) ҳақ эвазига;
  - б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;
  - в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —



ўн йилдан ўн беш йилгача  
озодликдан маҳрум қилиш билан  
жазоланади.

Башарти, пора олиш-беришда  
воситачилик қилган шахс жиноий  
ҳаракатларни содир этганидан  
кейин бу ҳақда ўттиз сутка  
мобайнида ўз ихтиёри билан арз  
қилса, чин кўнгилдан пушаймон  
бўлиб, жиноятни очишда фаол  
ёрдам берган бўлса,  
жавобгарликдан озод қилинади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

## 213-модда

- Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.



Ўша ҳаракатлар анча миқдорда содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Ўша ҳаракатлар:

- а) тақроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 — 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
- б) кўп миқдорда;
- в) бир грух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —  
уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган грух манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —  
беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Башарти моддий қимматликлар берган ёки мулкий манфаатдор этган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкий манфаат сүраб товламачилик қилингандың бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичидаги ўз ихтиёри билан арз қилса, чин қўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

# КОРРУПЦИЯ БУ НИМА?

**Коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.